



# HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq.uz

2020-Y. 12-NOYABR, №45 (1242)

BOSH PROKURATURADA



Ўтган  
икки йилда  
1986 нафар  
мансабдор  
коррупциявий  
жиноят  
содир  
этгани учун  
жиноий  
жавобгарликка  
тортилган.

## КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

7 ноябрь куни Бош прокуратурада Бош прокурор Нигматилла Йўлдошев раислигида коррупция кузатилаётган соҳалар ҳамда вазирлик ва идораларда бунинг сабабларига бағишланган идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини администрацияси масъул ходимлари, ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари, вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ва масъул ходимлари қатнашди.

Жойлардан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокурорлари, вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда дастлаб Бош прокурор Н.Йўлдошев кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қилди. Унда ўтган икки йилда мамлакатимизда 1986 нафар

мансабдор коррупциявий жиноят содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилгани, бундай жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарар миқдори 2 трлн. сўмдан ошгани таъкидланди.

Прокуратуранинг назорат тадбирлари ҳамда тергов натижалари таҳлили асосида коррупция энг кўп учраётган молия, солиқ, банк, қурилиш, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ хўжалиги, бандлик, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва яна бир қанча соҳалар танқид қилиниб, ушбу тизимларда содир этилган коррупция ҳолатлари аниқ мисоллар ва рақамларда кўрсатиб берилди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Молия вазири Т.Ишметов, Молия вазирининг ўринбосари – Молия вазирлиги газначилиги бошлиги О.Исаков, Қурилиш вазири Б.Закиров, Йўл-қурилиш

ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиги Ф.Салихов, Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Хусанов, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиги У.Ташкенбаев, Маданият вазири О.Назарбеков, Марказий банк ва тижорат банклари раҳбар ҳамда бошқа ходимларнинг тушунти-

риш ва изоҳлари эшитилди.

Йиғилиш якунида соҳалар, вазирлик ва идораларда коррупцияга барҳам бериш бўйича комплекс тадбирларни амалга оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Шу кунги мазкур йиғилиш якуни бўйича матбуот анжумани ҳам ўтказилди. Унда Бош прокурор Н.Йўлдошев, Коррупцияга

қарши курашиш агентлиги директори А.Бурханов, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н.Умаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Ж.Ширинов ва бошқа мутасаддилар ўтказилган тадбир натижалари бўйича ахборот беришди.

Бош прокурор ўз ахборотида йиғилишдан қўзланган мақсад ва вазифаларга алоҳида тўхтади.

**Муродбек МАХМУДОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Йиғилишда кўриб чиқилган коррупция ҳолатлари ҳақида huquq.uz сайти орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин.



OG RIQ

## «МЕН СИЗЛАРГА БОЛАМНИ БЕРМАЙМАН!»

Таълим-тарбияга эътибор қаратган яхши, албатта. Ҳатто билимини сотиб бизнес қилаётганларга ҳечам қаршилигимиз йўқ. Ахир, ҳозир боласининг пухта билим эгаллашини ким истамайди? Қай ҳудудга борманг, катта харфлар билан ёзилган, сифатли билим беришни ваъда қилган тил курслари, фанлар бўйича ўқув марказларига кўзингиз тушишининг боиси ҳам шунда.

Бундай марказлар туфайли талаба бўлганлар бисёр, албатта. Бироқ уларнинг таълим сифати ҳақида бирдек хулоса чиқаришга шоянмаслик керак.

Яқинда телеграм канали орқали бирдан менга хабар келди: “Болангизни бизга беринг — биз уларни олимликка тайёрлаймиз!” Қандай ёқимли сўзлар! Кўрсатилган рақамга шартта телефон килгинг, болангни ана шу ўқув маркази ходимларига топшириб қайтгинг келди.

Аммо ҳам ачинаиб, ҳам кулгинг кистайдиган жойини шуки, боламизни “олимликка” тайёрламоқчи бўлганларнинг ўзлари аввал яхшидаб тайёрланиб олишлари кераклигини, уларнинг чала саводини ушбу реклама матнининг ўзи фош этиб турибди.

Х  
Беҳато  
ёзамиз

Ахир, имло коидаларига кўра, “к” товуши билан тугаган сўзларга жўналиш келишиги кўшимчаси (“-га”) қўшилса, товуш ўзгариши юз бериб, “-ка”га айланиши, бу сўз олимликка шаклида ёзили-

шини билмаган “илм пешволари”га қандай ишониш мумкин?! Жиллакурса кенг аудитория учун реклама бераётганда матнини тўғри ёзолмаган кимсаларнинг болаларни олим қилиш даъвоси жуда ачинарли...

Телефонимга қайта-қайта келаётган бу хабарга индамай туролмадим. Кўрсатилган рақамларни тердим ва товуш эгасига дедим: “Мен сизларга боламни бермайман! Ҳеч қачон!”

**Юлдуз ҲОЖИЕВА,**  
«Huquq»



2020 йил 11 ноябрь  
соат 19:00 ҳолатига



Касалланганлар  
69 330 нафар



Соғайганлар  
66 609 нафар



Вафот этганлар  
591 нафар

# ҚУВОНЧ, УМИД ВА ИШОНЧ

Одамларни рози қилиш бугун давлатимиз сиёсатининг бош мақсади ҳисобланади. Шу боис сўнгги йилларда халқимиз билан юзма-юз мулоқотлар кўлами кенгайди. Шундай мулоқотларда аҳолини кўп йиллардан буён ўйлантириб келаётган муаммоларга ечим топилмоқда. Ҳар бир оиланинг фаровон турмуш кечириши учун бор имкониятлар ишга солинапти.

Бу борада чекка ҳудудларда ўтказилаётган сайёр қабулларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти администратсияси ташаббуси билан Наманганда ўтказилган оммавий қабуллар ҳам мана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Чуст, Тўрақўрғон, Чортоқ ва Учқўрғон туманларидаги оммавий қабулларда ҳар хил масалалар таҳлил қилиниб, уларни тезкорлик билан ҳал этиш чоралари кўрилди.

Дейлик, вилоятнинг кўмир ва брикетга йиллик эҳтиёжи 236 647 тонна. Ҳозиргача 96 минг тоннадан зиёд, яъни режанинг 40,6 фоизи миқдорда кўмир ва брикет етказиб берилган. Ижтимоий соҳа объектларининг 74,9 фоизи, аҳолининг эса 24,1 фоизи кўмир олган, ҳоло.

Дастлабки ўрганишлардан сўнг уч кун ичида вилоятга юз вагон кўмир олиб келишга киришилди. Ангрен кўмир қонидан йўлга чиққан илк эшелон Наманганга кириб келгач, қабул жараёнининг ўзида кўмир масаласида келган 24 кишининг хонадонига 47 тонна, Чуст туманидаги 12 та маҳаллага эса 150 тонна кўмир етказиб берилди.

2020 йили вилоятда 63616 тонна суюлтирилган газ етказиб бериш режалаштирилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 11867 тонна кўп. Айни пайтгача аҳолига 55 минг тоннадан зиёд суюлтирилган газ берилган.



Бу борадаги мурожаатлардан сўнг Чуст, Поп, Мингбулок, Тўрақўрғон, Косонсой ва Наманган туманларидаги 7 мингдан зиёд хонадонга 142 тонна суюлтирилган газ етказилди.

Чустнинг энг чекка ҳудуди – Баймоқ маҳалласидаги 30 та фермер хўжалиги далалари бир зовурдан сув ичади. 1,7 км узунликдаги бу зовур балчик билан тўлгани боис анчадан бери ҳудудда оқар сувнинг шитоби суст, ҳосилининг чўғи ҳам пасайиб бормоқда.

Фермер Аъзамжон Холдороннинг бу борадаги мурожаатидан сўнг Сув хўжалиги вазирилик масъуллари масалани жойига чиқиб ўрганди. Дарҳол техникалар ажратилиб, тозалаш ишлари бошлаб юборилди. Чустнинг Дозонда маҳалласидаги 60 та хонадоннинг чироғи ҳам, кайфияти ҳам хира эди. Мурожаатдан сўнг янги трансформатор ўрнатилиши билан уларни ўйлантираётган муаммолардан бири бартараф қилинди.

Тўрақўрғон туманининг Еттиқон, Ибрат маҳалларидаги ўрганишлардан сўнг уларга

катта қувватли трансформаторлар ўрнатилди. Шу аснода қарийб етти километрлик электр тармоғи қуришга киришилди.

Автомобиль йўллари кўмитаси масъуллари эса ўзларига тегишли мурожаатлардан сўнг муаммоларни йўллари пиёда кезиб чиқилди. Масъуллар 44 та мурожаатнинг 5 тасига жойида ечим топди, 6 та мурожаатда айтилган масала бир ой ичида, 32 таси эса келгуси йил дастурлари асосида ҳал қилинадиган бўлди.

Тўрақўрғонда Тошкент маҳалласи бор. Шу маҳалланинг Косонсой кўчасидан ҳам пиёда юриш азоб. Ёзда чанг, кишида лой бўлади. Худуд ахли оммавий қабулга келиб бу муаммони кўтаргач, 1,3 км кўчага шағал тўшалди.

Тўрақўрғоннинг Ибрат маҳалласи Пахтаобод кўчасида 460 хонадон бор. Аҳолини йўл муаммоси кўп йиллардан буён қийнаб келади. Мулоқотдан сўнг бу масала ҳам ҳал бўлди. Кўчанинг 800 метрлик қисмини асфальтлаш ишлари бошланди.

Наманган вилоятидаги оммавий қабулларнинг илк кунин Чуст, Поп, Мингбулок, Тўрақўрғон, Косонсой ва Наманган туманларидан келган 843 кишининг 863 та мурожаати қўриб чиқилди. Уларнинг 456 таси ҳал этилган бўлса, 71 та масала бўйича тушунтириш берилди. 336 та мурожаат назоратга олинди.

Мазкур оммавий қабуллар давомида Бош прокурор ўринбосари Светлана Ортикова 100 нафар фуқаронинг турли мазмундаги мурожаатларини қабул қилди. 1 та мурожаат жойида ҳал этилди. 23 таси бошқа ҳудудларга тегишли бўлгани сабабли Бош прокуратура юритувига олинди. 16 таси юзасидан тушунтириш берилди. Қолган 60 та мурожаат вилоят прокуратураси органлари томонидан қўриб чиқилмоқда.

Жумладан, фуқаро Р.Ахмедовга Наманган шаҳар ҳокимининг 2016 йил 15

октябрдаги 1396-қарори билан уй қуриш учун 600 м<sup>2</sup> ер ажратилган. Шаҳар ҳокимининг 2018 йил 28 июлдаги 1105-қарорида эса мазкур ер фуқаро Х.Рашидовга уй қуриш учун берилган.

Наманган шаҳар прокуратураси томонидан мазкур қарорларнинг қонунийлиги ўрганилди. 1105-қарор Ер кодексининг 23-моддаси талабларига зид равишда қабул қилингани боис қарорнинг Х.Рашидовга тегишли қисмини бекор қилиш юзасидан протест келтирилди.

Мухтасар айтганда, Наманганда ўтказилган сайёр қабуллар кўплаб юртдошларимиз калбига қувонч, умид ва ишонч бахш этди. Бундай хайрли ишлар эса, Президентимиз таъкидлаганидек, «Одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшаши керак» деган эзгу тамойилга ҳамохангдир.

**Рустам ЖАЛАЛОВ,**  
Наманган вилояти прокурорининг  
катта ёрдамчиси



Р.Машарипов 1977 йилда Хоразм вилоятида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 2003 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. У тизимдаги дастлабки фаолиятини Тошкент транспорт прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганивчиликдан бошлаб, Тошкент авиация транспорт прокурорининг ёрдамчиси, Тошкент транспорт прокурорининг ёрдамчиси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратурасида бўлим АМИБ терговчиси, бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилди. Шунингдек, 2010 йилдан Бош прокуратурада бошқарма прокурори, Хонка тумани прокурори, Пахтакор тумани прокурори ва Жиззах вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари вазифаларида ишлаган.

2017 йилдан шу пайтгача Сирдарё вилояти прокурори лавозимида фаолият юритган.

## FAOLIYAT

# АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ПРОКУРАТУРА ҲИМОЯСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини яхшилаш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш борасида мутасадди ташкилотлар ва жамоатчилик билан биргаликда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини жорий эттиш, оилалар ва маҳаллалардаги муҳитни яхшилашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилинапти.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 416 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд бўлиб, уларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этишга асосий эътибор қаратилган.

Жумладан, мутасадди идоралар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда йил бошидан бери 1800 дан ортиқ профилактик тадбир ўтказилиб, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан яқка тартибда иш олиб борилиши натижасида 201 та маҳаллада жиноят содир этилмаган. 18 та маҳаллада жиноятлар қамалишига эришилган.

Ўтган давр мобайнида хотин-қизлар томонидан 163 та жиноят содир этилди, бу Қорақалпоғистондаги жиноятларнинг 11,2 фоизига тенг. Нукус шаҳри, Беруний, Қўнғирот, Тўртқўл ва Хўжайли туманларида хотин-қизларнинг жиноят қилиши кўпайган, Амуларё, Қораўзақ, Кегайли туманларида эса қамайган, Тахтақўпир ва Бўзатов туманларида хотин-қизлар жиноят содир этмаган.

Бундан ташқари, республикада хотин-қизлар томонидан фирибгарлик, талон-торож қилиш, жароҳат етказиш, ўғирлик, бозорлик каби жиноятлар содир этилишининг ошгани, қотиллик, товламачилик ва иқтисодий жиноятлар барқарорлашгани, оғир жароҳат етказиш ҳамда талончилик қамайгани қайд этилган.

Жиноятчи хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, кўмакка муҳтож ва оғир аҳволга тушиб қолган аёлларга ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ва бандлигини таъминлаш масалалари қатъий назоратга олинган.

Жиноят ва ҳуқуқбузарликлар оқибатида таъзия ва зўравонликка учраган 231 нафар аёлга химоя ордери берилган.

Аҳоли ўртасида оилани қадрлаш, эрта турмуш ва эрта туғруқнинг олдини олиш борасида ўтказилган тадбирлар орқали оилавий ажримлар ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан 208 та (19,7 фоиз) қамалишига эришилган.

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитини яхшилаш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда.

**Янғабой БАБАДЖАНОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

# ТАҲЛИЛ – КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАРГА ҚЎЛЛАНМА

Бугунги кунда дунёнинг қатор давлатларида содир бўлаётган воқеаларга баҳо берар эканмиз, юртимиздаги тинчликнинг қиймати нақадар юқорилигини англаймиз. Албатта, ана шу осойишталикни таъминлашга ҳуқуқни муҳофиза қилувчи бошқа идоралар қатори Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура органлари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид қонун талабларининг бажарилиши устидан ўтказилган назорат тадбирларида 130 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди. 110 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Давлат органларининг қонунга зид 352 та ҳуқуқий ҳужжати протест асосида бекор қилинди ёки қонунга мувофиқлаштирилди. Қонунбузилишларни бартараф қилиш юзасидан 251 та тақдимнома киритилди. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 126 киши интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортиди. 2,1 млрд. сўмлик зарарни ундириш бўйича судларга 261 та ариза киритилиб, 79 та жиноят иши кўзга ташланди. Бундан ташқари, дастлабки тергов даврида 235,1 млн. сўмлик зарарнинг айбдор шахслардан ундирилиши таъминланди.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қилинган ишлар натижасида Қорақалпоғистондаги 413 та маҳалланинг 24 тасида жиноятлар камайиб, 215 тасида

жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Шунингдек, 335 та нотинч оила яраштирилди, улардаги 27 нафар руҳий касал, 247 нафар ичкиликбоз ва 3 нафар гиёҳханд шахс мажбурий даволанишга ётказилди.

Сир эмаски, ҳозир дунё бўйлаб давом этаётган коронавирус пандемияси кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Жорий этилган карантин туфайли кўплар ишсиз қолди. Қолаверса, чет давлатларда ишлаб юрган 25 мингдан ортиқ юртдошимиз юртимизга қайтишга мажбур бўлди. Давлатлараро чегаралар ёпилгани боис меҳнат миграцияси тўхтатилиб, фуқароларнинг даромад манбаи анча қисқарди. Буларнинг бари республикамиздаги криминоген ҳолатга ҳам таъсир ўтказди.

Чунончи, Қорақалпоғистонда умумий жиноятчилик ўтган йилга нисбатан 352 тага кўпайган. Жиноятлар таҳлил қилинганда улардан 61,9 фоизининг олдини олиш мумкин бўлгани аниқланди. Булар безорилик, фирибгарлик, ўғирлик, товламачилик, енгил жароҳат етказиш каби жиноятлар бўлиб, уларнинг аксарияти яқин қариндошлар

ва танишлар орасида, оилавий муносабатлар доирасида содир бўлаётгани ачинарлидир.

Буни давлатимиз раҳбари 2 октябрь куни Қорақалпоғистонга келганида ҳам таъкидлаб, жиноятларнинг олдини олиш юзасидан вазифалар белгилаб берган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда ўғирликнинг олдини олишга қаратилган қунилик назорат йўлга қўйилди. Бундан ташқари, жиноятчиликнинг олдини олиш ва тезда фош этиш учун республикамиздаги 13 378 та кўчага видеокамера ўрнатилмоқда. Бугунги кунга қадар 1158 та кўчага 3800 га яқин камера ўрнатилиши таъминланди.

Ҳар бир маҳаллада нотинч оилаларни уйма-уй юриб аниқлаш, келишмовчиликларнинг сабабларини ўрганиш, уларни яраштириш, ишсизларни иш билан таъминлаш, камбағалларга моддий ёрдам кўрсатишга катта эътибор қаратилган. Чунки ҳар қандай жиноят кўпинча йўқчилик, бекорчилик оқибатида келиб чиқади.

Шу боис ҳам прокуратура органлари томонидан масъул ташкилотлар вакиллари жалб қилган ҳолда 59 марта меҳнат

ярмаркаси ўтказилди. Уларда иштирок этган 1990 нафар фуқаронинг 1251 нафари ишга жойлаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти таҳлил қилиниб, қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан Ички ишлар ҳамда Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирликларига тақдимнома киритилди.

Худудларда жиноятчиликни кескин камайитиш режаси ишлаб чиқилган. Жумладан, таҳлилларга кўра ўғирлик ва безорилик кўп учрайдиган худудларда Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда криминоген ҳолат оғир бўлган маҳаллаларга ёрдам бериб келинмоқда. Бу худудларда ички ишлар ва Миллий гвардия ходимларидан иборат тунги патруль нарядлари кучайтирилди.

2020 йилдаги яна бир жиҳат республикада йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кўпайганидир. Оқибатда 48 киши вафот этган, 168 нафар фуқаро турли даражада жароҳат олган.

Айниқса, пиёдалар ва велосипедчиларни тунги вақтда уриб юбориш кўпайган. Воқеалар ўрганилганида бахтсиз ҳодиса асосан автомобиль йўл-

ларининг аҳоли пунктларидан ўтган қисмида, яъни уларнинг ёритилмаган қисмида содир бўлаётгани маълум бўлди. Масалан, 31 май куни кечки соат тўққиз яримларда С.Қулимбетов «Кобальт» автомашинасини Тўртқўл туманида бошқариб келаётганда, йўл четида велосипедда бораётган У.Аметов ва А.Норбоевни уриб юборган. Натижада улар жароҳатланиб Тўртқўл тумани тиббиёт бирлашмасига ётказилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, йўлларга чироқ ўрнатиш, эски йўл белгиларини янги белгилари билан алмаштириш, эски йўлларни таъмирлаш, пиёдалар ўтиш жойларига светофор ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган давридаги кўрсаткичлар фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишларни кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Соҳада ечимини қутаётган муаммолар ҳали кўп. Ушбу масалаларнинг қонунчиликка биноан тўлиқ амалга оширилишини назорат қилиш эса прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади.

**Тулкин НУРМЕТОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурининг биринчи ўринбосари

## MUNOSABAT

# СОҒЛОМ РАҚОБАТ ВА ТЕНГ ШАРОИТ

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА САМАРАЛИ ТИЗИМ

Ҳар бир мамлакатда давлат бюджетни маблағларидан самарали фойдаланиш уларнинг натижадорлигини ошириш ва мавжуд молиявий тизимни шакллантириш, уни барқарорлаштириш иқтисодий ўсишнинг асосий шартларидан биридир.

Давлат харидлари давлат молияси тизимининг ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, бир томондан бюджет соҳаси самарадорлигига, иккинчи томондан эса, давлат бюджетни маблағларининг мақсадли натижавийлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Давлат харидларининг белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибларда амалга оширилиши мамлакатнинг стратегик мақсадлари, вазифалари ва ривожлантириш давлат дастурларини ўз вақтида амалга оширилишини ҳамда давлат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифатли ва тўлиқ бўлишини қафолатлайди.

Албатта давлат харидлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратининг йўлга қўйилиши ушбу соҳанинг узлуксиз такомиллашиб бориши, давлат харидлари субъектларига қулай муҳитнинг шакллантирилиши ҳамда давлат харидларини амалга оширишда коррупциянинг олдини олиш имкониятларини беради.

Хусусан, жорий йилнинг 7 ноябрь кунини

Бош прокуратурада ўтказилган коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро йиғилишда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб борилаётгани, бу борада ҳуқуқий асосларни яратишга эътибор берилиб, сўнгги тўрт йилда бу борада 70 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилингани таъкидланди. Шунингдек, йиғилишда иқтисодий соҳадаги коррупция асосан бюджет маблағидан фойдаланиш жараёнида содир этилаётгани таъкидланди. 2018 йилнинг 9 апрелида қабул қилинган «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни эса айна мазкур тизимдаги коррупциянинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур қонун давлат харидлари очқилигини ва шаффофлигини ҳамда бу соҳада тадбиркорларнинг рақобат курашувини таъминлайди, давлат бюджетни, марказлаштирилган манбалар ва давлат улушига эга бўлган корхоналар маблағларидан самарали фойдаланишга имкон яратади.

Қонун қабул қилинишидан аввал мазкур соҳа 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий



ҳужжат билан тартибга солинган. Бунда давлат харидларининг яхлит тизими мавжуд бўлмаган, бунинг натижасида ҳуқуқий коллизиялар вужудга келган. Кўп босқичли келишишлар ва такрорловчи тартиб-таомиллар коррупцияга шароит яратган ва кўп вақт йўқотишга сабаб бўлган.

Қонун билан давлат хариди жараёни очик-ошкора бўлади, барча маълумотлар махсус порталда эълон қилинади. Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура, Лойиха бошқаруви миллий агентлиги ва Молия вазирлиги томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари устидан мониторинг, давлат назорати ўрнатилди. Шунингдек, фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва ОАВ томонидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Давлат харидларининг иқтисодиётдаги ўзига хос ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда ушбу тизимни жорий этишга мамлакатимизда кечаётган ислохотлар-

нинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида катта эътибор берилмоқда. Бу борада, аввало, тизимдаги муносабатларнинг қонунчилик негизи шакллантирилиб, давлат харидлари билан боғлиқ жараёнлар ҳуқуқий тартибга солинди.

Қонун соғлом рақобат муҳитини янада ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари учун давлат харидларига тенг эркинлик яратиш, давлат секторини оптимал муддатларда товарлар (ишлар, хизматлар) билан самарали ва оқилона таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, мамлакатда қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш жараёнини рағбатлантириб, халқаро рейтингларда Ўзбекистон кўрсаткичларини яхшилашга замин яратмоқда.

**Кенжа ИСЛОМОВ,**  
Адлия вазирлиги қошидаги Юристарлар малякасини ошириш маркази директори ўринбосари

10 ноябрь куни «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

# УЙЛАР АРЗОНЛАШАДИ

**«Менинг ҳам уйим, бошпанам бўлармикан?»**, «Қачондир ўз калитим билан хонадоним эшигини очиб кирармиканман?...». Бундай орзу-уйлар билан яшаётганлар юртимизда ҳам, бошқа давлатларда ҳам истаганча топилади. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон одамда бошпана ҳам бўлмаса, бундан оғири йўқ. Сир эмас, Ўзбекистонда уйга эришиш хамирдан қил сугургандек осон битмайди. Янги уйга кўчиб кирганларни қутлаганда «катта довондан ошгани» таъкидланиши ҳам шундан. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта.

Авалло, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг аҳоли энг зич яшайдиган давлати ҳисобланади. Шу боис уй қуриш учун ерни тўғри танлаш билан бирга, таннархни пасайтириш, уйларнинг кавати, хоналари ва бошқа қулайликларини белгилаш, бунда миллий менталитетимиздан келиб чиқиб иш тутиш каби қатор омилларни ҳисобга олмас бўлмайди.

## Аҳоли зич бўлган хар худудда қурилади

Таъкидлаш жоизки, узок йиллар мобайнида эътибор қаратилмагани боис катта ижтимоий муаммага айланган аҳолини уй билан таъминлаш масаласига Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида маъсулият билан киришди. Бу хайрли ҳаракатлар халқимизни мамнун этиб, минглаб оилаларнинг бахтли турмушига замин хозирлади. Шундай бўлса-да, худудларда эҳтиёж тўлиқ қопланган дейишга ҳали эрта. Бир ҳовлида амаллаб яшаётган бир нечта оилалар, каталадек домда уч-тўрт нафардан боласи билан сиқилиб кун кўраётган овсинлар хар маҳаллада топилади. Қолавер-

са, ўзбек халқи фарзандини уй-жойли қилишни фарз деб билади, ўғил бола дунёга келганидан бошлаб уй ташвиши ҳам туғилади. Президент матбуот хизматининг маълумот беришича, халқимиз эҳтиёжини тўла қондириш учун хар йили 145 минг хонадондан иборат уйлар қуриш керак. Бунинг учун эса қарийб 30 триллион сўм зарур бўлади. Бу пул давлат бюджетининг 23 фоизидан зиёд.

Яна бир оғрикли жиҳат бор: арзон уйлар юртимиздаги камбағалларга барибир қимматлик қилади. Шунинг учун аҳолини уй билан таъминлашнинг қулай механизмларини ишлаб чиқиш, уйларнинг нархини имкон борича пасайтириш зарурати долзарблигича қолаётир. Шу омилларни ҳисобга олиб яқинда Қурилиш вазирлиги давлатимиз раҳбарига мутлако янги лойиҳа – беш каватли, битта йўлак ва 20 та хонадондан иборат янги уйлар режасини тақдим этди. Лойиҳанинг тежамкорлиги, кўриниши, сифати ва бошқа афзалликлари билан танишгач, Президентимиз бу уйларни мамлакатимизнинг аҳоли зич жойлашган барча ху-


дулларда қуриш зарурлигини таъкидлади.

## Нарх ниманинг ҳисобига арзонлашади?

Қурилиш вазирлиги ахборот хизматининг хабар беришича, аввало, шаҳар ва туманлардаги уйга муҳтож оилалар рўйхати тузилади. Шу асосда қайси худудда қанча уй қуриш зарурлиги аниқланади. Шунингдек, сифатига таъсир қилмаган ҳолда уйлар арзонлаштирилиб, муҳтож оилалар учун муносиб шароит, айниқса молиявий қулайлик яратиш чоралари кўрилади.

Хўш, нархлар ниманинг ҳисобига 30 фоиз арзонлашади?

– Маълумки, Сардоба ва Мирзаобод туманларида қиска муддатда 86 та беш каватли уй қуриб битказилди. Режалаштирилаётган арзон уйларни барпо этишда айнан Сирларё тажрибасидан фойдаланилади, – дейди **Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоят**. – Уйлар битта подьезд, 5 кават ва 20 та хонадондан иборат бўлади. Лойиҳада барча коммуникация тармоқлари кўзда тутилган бўлиб, уйларни арзонлаштириш ва сифатини оширишга хизмат қиладиган



УЙЛАРНИНГ НАРХИ  
НОГИРОНЛАРНИНГ НАРХИ  
БОШҚАЛАРГА (ЙИЛДАН-ЙИЛГА)

1302.6 м²  
888.8 м²  
87.8 %

Янги турдаги уйлар тақлид лойиҳаси

қатор омиллар бор. Хусусан, хонадонларнинг жойлашуви ҳамда хоналарнинг ички майдони мақбуллаштирилиб, ҳовли ва йўлакларга сенсорли электр чироқлар қўйилади. Ҳисоблагичлар хар жойда эмас, балки бир жойга тўпланади. Ювиниш хонаси ҳам оптималлаштирилади. Яна бир ўзига хослик шуки, қурилиш материаллари лойиҳага мос ўлчамда ишлаб чиқилади, исрофгарчиликка мутлако йўл қўйилмайди. Барчага қулай бўлиши учун биринчи кават зиналари ташқарига чиқарилиб, ногиронлар учун пандуслар қурилади. Буларнинг бари уй нархини 30 фоиз арзонлаштиради. Ушбу лойиҳани тайёрлаш жараёнида чет давлатлар тажрибаси ҳам ўрганиб чиқилди, илгор ғоялар татбиқ этилиши натижасида ўзимизнинг меъёрларимизни ҳам янгиландик.

Кўпчилигини шундай саволлар қизиқтиради: бундай уйларнинг нархи қанча бўлади? Уйлар қачондан қурила бошлайди? Вазирлик маълум-

отларига кўра, мазкур уйларнинг нархи, ипотека шартлари, тартиби яқин кунларда ойдинлашади. Ҳозир Қурилиш, Инвестициялар ва ташқи савдо, Молия, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирликлари мутахассислари бу борада биргаликда иш олиб бормоқда. Уйларнинг қурилиши эса 2021 йилнинг март ойига режалаштирилган.

Маълумотларга кўра, 2020 йилда кишлоқларимизда 12 мингдан зиёд, шаҳарларимизда эса 18 мингдан ортиқ уй барпо этилмоқда. Пандемия туфайли юзга келган иқтисодий инкироз қўллаб давлатларни танг ҳолатга солаётган, айниқса, уй қурилиши кескин қисқараётган бар пайтда Ўзбекистонда қурилиш кўламининг кенгайтирилаётгани, нархларни арзонлаштиришга жиддий киришилгани замирида одамларнинг бахтли яшашини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам.

Ўз мухбиримиз

AKS SADO

# ҲАЁ – БАРЧА ЯХШИЛИКЛАРНИНГ АСОСИ

«Ниқуқ» газетасининг 42-сонида чоп этилган «Сериал – вақт кушандаси(ми)?» сарлавҳали мақолада бугунги куннинг долзарб муаммолари, жумладан, юртимиз телеканалларида намойиш этилаётган хориж сериаллари эфир соатининг кўплиги, улардаги қаҳрамонлар кийими хижолатомуз ахволда эканлиги, ушбу ҳолатлар ҳамда қадаҳлар акс этган саҳналар хиралаштириб берилаётгани, бу эса томошабин онгига салбий таъсир кўрсатиши ёритилган.

Шу мавзуда устозимиз шайх Мухаммад Юсуф Мухаммад Содиқ хазратлари бундай деган эди: «Афсуски, бу ҳозир тўғрилини керак бўлган долзарб мавзулардан бири. Бу юк алломалар юрти бўлган жойларда одамлар ажодларимиздан эмас, балки улар қаттиқ кайтарган нарсалардан ибрат олиши қайнарли ҳол. Яъни одамлар динимиз кайтарган нарсалардан ибрат олишмоқда.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам “Ким бир қавмга тақлид қилса, у ушлардандир” деган» (Имом Абу Довуд ва Имом Насайи ривояти).

Шарҳ: ўз қавми, ўз дини ва урф-одати туриб, бошқаларнинг турмуш тарзини, кийиниш ва ҳаётдаги бошқа нарсаларини

устун қўйиб, жон-жаҳди билан уларга ўхшашга ҳаракат қилиш одамга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Уша одам «хар кимга ниятига яраша» қондасига биноан ўзи тақлид қилган қавмдан бўлади. Қофирларга ўхшашни орзу қилиб уринган бўлса, кофирлардан бўлади. Қофирларга ўхшашга ҳаракат қилган бўлса, қофир бўлади ва ҳоказо...

Ислом уммати Аллох таоло юборган таълимотларнинг энг мукаммалига, хар бир замон ва маконга муносиб таълимотга раво кўрилган. Ҳақ таоло бу умматни бошқа барча умматлар устидан шохид қилиб, хар бир нарсада ўзига хосликни бериб қўйган. Шу боис ҳам бу умматга ўздан бошқаларга ўхшашга ҳаракат қилиш, Аллох таоло осмондан туширган нарсани қўйиб,

бошқа миллатлар ердан чиқарган нарсаларга ҳавас қилиши мутлако тўғри келмайди.

Юқоридаги ҳадисда фақат кийим ҳақида эмас, балки умуман ташқи қиёфани қандай тутиш кераклиги ҳақида ҳам сўз кетмоқда. Демак, ташқи қиёфа маданиятида ҳам хар ким ўзлигини, яъни эркак эркаклигини, аёл аёллигини, мусулмон мусулмонлигини унутмаслиги керак. Худди шундай мусулмонлар бошқа миллатларга хос бўлган, уларни мусулмонлардан ажратиб турадиган нарсаларга тақлид қилмасликлари дозим».

Муновий розияллоху анху айтади: «Ҳаё икки хил бўлади: нафсоний ва иймоний. Биринчиси барча инсонларда яратилган бўлади. Унга авратни очишдан ёки одамлар хузурда жинсий яқинлик қилишдан ҳаё қилиш кабилар қиради. Иккинчиси эса мусулмоннинг Аллохдан кўркиб харом ишлардан тийилишидир».

Гуноҳларнинг ёмонликларидан бири ҳаёни кетказишидир. Ҳаё – барча яхшиликларнинг асоси. Унинг кетиши барча яхшиликларнинг кетишидир. Гуноҳлар аста-секин ҳаёни заифлаштириб, бир йўла йўқ қилиб юбориши ҳам мумкин.

Ойнаи жаҳонда бериб борилаётган

фильмларнинг баъзилари инсон психологияси, ақли ва қалбига салбий таъсир қилмоқда. Бу эса жамяятда янги жиноятлар содир бўлишига олиб келмоқда.

Маълумки, инсон икки, бир-бирига зид бўлган рух ва нафс жам қилинган ягона мавжудот ҳисобланади. Шундай экан, салбий оқибатларга етакловчи фильмлар инсонда ёмон оқибатларни келтириб чиқаради. Энг хатарлиси ёш йигит-қизлар бундай фильмларни ота-онаси билан қўриши ва фильм қаҳрамонларига ўхшашга ҳаракат қилишидир.

Менимча, инсон маънавий-руҳий озуқа оладиган тарихий, ёшларни ватанга мухаббатли бўлишга чорловчи фильмларни кўпайтириш керак. Халқимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш лозим. Фильмлар оммага намойиш қилинишдан олдин уламолар ва турли соҳа вакиллари муҳокамасида таъкидланиши зарур деб ўйлайман. Зеро, «Маслаҳатли тўй тарқамас» деб бежиз айтилмаган.

**Ҳасур РАУПОВ,**  
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби  
ўринбосари, «Ислом ота» жоме масжиди  
имом-хатиби

Кўпинча ширакайф бўлса-да, бировга озори етмайдиган Музаффарнинг тўсатдан кўринмай қолишни маҳалла-кўй, кўни-кўшнлар турлича қабул қилишди. Айримлар аҳамият бермаган бўлса, «Ўғлингиз кўринмай қолди-я» деганларга отаси Мусабек (исм-фамилиялар ўзгартирилган) «Ишлаш учун оғайнилари билан вилоятга чиқиб кетди» деб жавоб берди.

# ЕРТЎЛАДАГИ «ҚАБР»

Орада уйга келган қизи Сожида акасини сўраган эди, унга ҳам шундай жавоб берди.

Икки ойча вақт ўтиб, Мусабекнинг укаси ўғлини уйлантирди. Тўйда ҳам қариндошу танишлар ундан ўғли ҳақида сўрашди. Мусабек бу сафар ҳам ўша гапни такрорлади. Бу тўй Сожидага татимали ҳисоб. Ёнида қариндошлари бўлгани билан анча олдин вафот этган онаси билан акасининг йўқлиги унга таъсир қилди. Уйга келиб акасини эслади. Музаффарни охириги марта кўрган унинг кўзлари кўқарган, юзлари шиллинган эди. «Ака, нима бўлди? Яна ота-бола урушиб қолдиларингизми?» деб сўраганида Музаффар «Ишинг бўлмасин. Ўзимиз ҳал қиламиз, аралашма!» дея жеркигани ёдига тушди.

Тўйдан бир ой ўтгач, Сожида ота уйига келди. Яна акасини сўради.

– Қизим, сенга айтдим-ку, аканг ишлагани кетган. Ўзим ҳам билмай қолдим. Уйга келсам, йўқ экан. Уйнинг калити билан хат ташлаб кетибди.

– Хат?! Қани ўша хат?

– Унинг хатини нима қилардим, ёқиб юбордим, – дея отаси гапни қисқа қилди.

– Телефони-чи?!

– Э-эй, нима қиласан-а?! Россия рақамидан кўнгирок қилган эди.

– Россия дейсизми?! Уни вилоятга кетган дегандингиз-ку? Бу гапдан отаси бироз ўйланиб қолади.

Шу суҳбатдан кейин бу ҳақда ўйлашнинг ўзи дахшат бўлса-да, Сожида отасидан шубҳа қила бошлади. Устига-устак, ўша кезлари Сожида шунақанги тушлар кўрдик, уларни бировга айтиш туғул эслаш ҳам дахшатли эди. Тушида акаси қонли майкада, ертўлага ўхшаган қоронги жойда турганча кутқаришни сўради...

Яна бир кун тушига масжид, раҳматли онаси билан акасининг тобутлари кирибди. Отаси эса кўлида пичок билан тобутларнинг орқасидан келаётганмиш. Унга қараб «Сени ҳам ўлдираман» дермиш...

Шу-шу Сожиданинг ҳаловати йўқолди. Бир-икки марта ички ишлар ходимларига мурожаат қилишни ўйлади, яна фикридан қайтди. Акасининг қандай ғойиб бўлган бўлса, шундай пайдо бўлишидан умидини узмади.

Охири чидай олмади. Бу қарорга келишига эса ўша кезларда кунлар совиб, пальтосини олиш учун отасининг уйига келганида кўзи тушган ҳолат сабаб бўлди. Пальтосини уйдан топа олмагач, қидириб ертўлага тушди. Тушди-ю, тўсатдан димоғига урган кўланса хиддан кўнгли беҳузур бўлди. Хидга амаллаб чидаганча у ёқ-бу ёққа қаради. Бир бурчакдаги текис қилиб цемент сувоқ қилинган жой, устидаги кетмон билан баклажклар эътиборини

\*\*\*

Ўша кун ишдан қайтиб, кийимларини алмаштириш учун уйга кирган Мусабекнинг кўзи кўрипача устида ухлаб ётган ўғлига тушди. Телевизор ҳам қўйилганча қолиб кетибди. Уй-ғотмоқчи бўлди, аммо Музаффар кимирламади. Кўлидан тортиган эди, арок хиди анқиди. Ўғлининг яна мастлигини билди, ижирганди. Жаҳлини босолмай, Музаффарни кўлтигидан кўтарганча бир амаллаб ҳовлига олиб чиқди. Бетон йўлак устига ётқизиб, устидан сув куйди. Муздек сув куйилса-да, Музаффар бир қўли билан юзини артган бўлди, аммо кўзини ҳам очмади. Бундан Мусабек баттар асабийлашди. Ўзини бошқаролмай, бир четга ётган белкурак сопини олиб, ўғлининг оёғига урди. Бирок бу Музаффарга чивин чакқанчалик таъсир қилмади. Иккинчи зарбадан кейингина бир оёғини тортиб олди. Ота энди унинг юзига мушт туширди. Кейин таёк билан боши-

эканини билиб, сесканиб кетди. Шоша-пиша нафас олишини текширди. Ўғли нафас олмайётган эди. Демак...

У бир зум нима қилишни билмай туриб қолди. «Балки тирикдир?» деган ўйда ўғлининг кўлтигидан кўтарди. Уйга олиб кириб, кўрпачага ётқизди. Юрагини массаж қилди, билганича бурнини беркитиб, оғзидан нафас берган бўлди. Ҳаракатлари зое кетганини билгандан кейин эса ўғлининг тепасида яна ўй сурганча ўтириб қолди. Ички ишлар ходимларига хабар қилмоқчи бўлди. Бирок ўғлини ўлдиргани учун узоқ муддатга қамалиб кетишини ўйлаб, фикридан қайтди. «Тез ёрдам» чакирмоқчи бўлди-ю, қилиши ошкор бўлишидан чўчиди.

Бир соатча шу аҳволда ўтирди. Тўсатдан амакисининг 20 йиллар аввал йўқолиб топилмаган ўғли ёдига тушди. Шу воқеа далда бўлди-ю, ертўладан чуқур казиб, мурдани кўмиб чиқди.



торти. Ҳайрон бўлди, ахир бу жой доим текис тупрок бўларди-да! Пальтоси ҳам эсидан чиқиб, юқорига кўтарилди...

Тоғасининг хотини ҳамроҳлигида профилактика инспекторига учрашди. Унинг маслаҳати билан туман ички ишлар бўлимига бориб, акасининг йўқолиб қолгани ҳақида ариза билан мурожаат қилди. Қидирув бошланди. Орада Мусабекни ҳам гоҳ ички ишлар идорасига, гоҳ прокуратурага чакиртиришди, савол-жавоб қилиб, тушунтириш хатлари олишди. Бир гал прокуратурага борганида қизини ҳам кўриб қолди.

Қизи кетгач, ички ишлар ходимлари Сожида ундан шубҳа қилаётганини маълум қилишди-да, ертўлани ҳам кўздан кечирмоқчи эканликларини айтиб, у билан уйига келишди. Ертўлага тушиб, ҳаммаёқни текшириб чиқилди. Аммо натижа бўлмади. Шундан кейингина Сожида унга телефон қилди ва ноҳақ шубҳаланганини айтиб, кечирим сўради...

ни мўлжалга олди. Шундагина Музаффар икки-уч марта эшитилар-эшитилмас ингради. Шундай бўлса-да, Мусабек ҳали-бери ховеридан тушадиган аҳволда эмасди. У белкурак сопини бир четга улоқтириб, кетмондастани кўлига олди. Бу сафар ҳеч нарса билмай ётган ўғлининг биқинини мўлжалга олди. Музаффар бу гал ҳам ожизгина ингради. Қўллари билан ковурагини ётган бўлди.

Мусабек шундан кейин тўхтади. «Урсанг эти, гапирсанг бети қотади деганлари шу-да» деганча кетмондастани ташлаб, ювиниш мақсадида ҳаммомга йўл олди. Юз-қўлини ювиб, ичкарига кирди. Овқатланиб, телевизор кўриб ўтирди-да, шу ерда ухлаб қолди. Уйғонганида тонг отган экан. Ташқарига чиқиб қараса, ўғли ҳали ҳам ўша жойда ётибди. Уйғотиб, ичкарига олиб кирмоқчи бўлди. Қўллари ушлаб, тургизмоқчи бўлди. Бирок иккала қўли ҳам муздек

Сўнг ювиниб, кийимларини алмаштирди. Ўзини қалғитиш мақсадида ота уйига йўл олди. Ота-онаси билан бироз суҳбатлашиб ўтирди. Ҳаловати бўлмагач, уларнинг ёнидан чиқиб, дўқондан бир шиша ароқ сотиб олди. Уйга келиб, овқат пиширди. Аммо иштаҳаси бўғилиб, овқатни четта суриб қўйди, шишани эса бир ўзи бўшатди. Ҳайрон қолгани, ароқ унга умуман таъсир қилмади.

Орадан бир ойча вақт ўтиб, ертўладан бадбўй хид тарала бошлади. Дўқондан қум билан цемент олиб келди. Ертўлани суваб қўйгач, электр печ билан қуритди. Шундан кейин сал хотиржам бўлди.

Қўнларнинг бирида Мусабекнинг телефонига кўнгирок бўлди. Туман ички ишлар идораси ходими эканлигини айтган киши ундан идорага келиб кетишни сўради. Мусабек эртаси кунни айтилган жойга борди. Ички ишлар ходими Музаффарнинг бедарак йўқолгани ҳақида икки аёл му-

рожаат қилганини айтиб, ундан ўғли ҳақида сўраб-суриштирди. Мусабек унга ҳам ўғли Россияга ишлагани кетганини айтиб, тушунтириш хати ёзиб берди.

Эртаси кун Мусабекни яна ички ишлар идорасига чақиртирди.

– Кеча ўғлим ишлаш учун Россияга кетган деган эдингиз. Ундай бўлса, бу нима? – ИИБ ходими шундай дея қўлидаги паспортни кўрсатди. – Бу паспорт ўғлингизники, тўғрими? Уни Иzzат исми қўшингиздан олдим. Энди саволимга жавоб берсангиз, ўғлингиз паспортсиз Россияга қандай кетган бўлиши мумкин?

Бир кун шундай савол беришларини билган бўлса-да, барибир Мусабекнинг бошидан оёғигача музлаб кетди. Бирок тезда ўзини қўлга олди. Бир амаллаб Иzzатдан 100 доллар қарз олгани, гаров эвазига аввал ўзининг паспортини қолдиргани, кейин хужжати керак бўлиб қолгани боис ўғлининг паспортини бериб, ўзиникини қайтариб олганини айтиб берди. Лекин ички ишлар ходими ҳам бўш келмади.

– Биласизми, чегара постларидан маълумот олдим. Ўғлингиз четга чиқмаган. Бизни қалғитмасдан, у бориши мумкин бўлган жойлар ҳақида айтиб берсангиз яхши бўларди.

– Агар Россияга кетмаган бўлса, шу атрофда, бирорта вилоятда ишлаб юргандир-да!..

Устига-устак шу кунларда қизи Сожида телефон қилиб, тушида қийналаётган акасини кўргани ҳақида айтиб берди-ю, унинг яна тинч бузилди. Назарида худди орган ходимлари кириб келиб, ертўладан жасадни топиб оладигандек туюлаверди. Шу сабабли жасадни кеч қирганда бирор қабристонга кўмишни режалаштирди. Ҳамма ишини четта суриб, цемент сувоқни кўчириб, мурдани қавлаб олди-да, эски целлофанга ўраб, ётоқхонасининг томига олиб чиқиб қўйди. Эртасига ертўлага тушиб, чуқурни сезилмайдиган қилиб кўмиб қўйди.

Сезган экан, кўп ўтмай прокуратура ҳамда ички ишлар ходимлари келиб, ертўлани текширишди, аммо ҳеч нарса топишолмади. Мусабекнинг ҳаёлидан келаси сафар келишса, томи ҳам текширишлари мумкин деган фикр ўтди. Кечаси чиқиб, жасадни кўшинсининг томига ўтказиб қўйди. Жасадни қабристонга кўмиб келишни эса эрта-индин дея ортага сураверди. Бу орада туман прокуратурасига бир неча марта бориб-келди. Ниҳоят унинг прокуратурага катнашларига ҳам чек қўйилди. Қўнларнинг бирида кўшинсининг томидан мурда топилганини эшитди ва айбига икор бўлиб, ҳаммасини айтиб берди...

Суд ўғлининг жонига қасд қилгани етмагандек, қариндошлари-ю кўшнларини алдаб, орган ходимларини ҳам қалғитган Мусабек Салимовга узоқ муддат озоқликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Олимжон АЗИМОВ,  
Яшнобод тумани прокурори  
Ғофуржон АЛИМОВ,  
«Нуқра»

# ТАЪЛИМ МУҲИММИ, ТИРИКЧИЛИК?

Жума кун эрталаб Шўрчи деҳқон бозорига отландим. Одам кўп. Буни қарангки, ёлғон энг кўп ишлатиладиган жой бозор деб бежиз айтишмаган экан. Қоғоздаги нархлар сотувчи айтган баҳодан анча арзон. Сабабини сўрасангиз, сотувчидан «Бу нархда сотолмаймиз. Растамизга бу қоғозни туман ҳокимлиги ёпиштириб қўйибди» деган жавобни оласиз.



Рўзгорга керакли нарсаларни олиб чиқар эканман, юпунгина кийинган, йўлимни арава билан тўсган йигитча эътиборимдан четда қолмади.

– Сен мактабга бормасдан нега бозорда юрибсан? 15 дақиқадан кейин дарсинг бошланади-ку? – дедим соатимга қарар эканман.

– Мен дарсга бормаيمان, уйда онлайн ўқияпман. Бўш вақтимда арава тортиб пул топаман. Онлайн дарсимизнинг эса аниқ ўтиладиган вақти йўқ. Ўзимиз хоҳлаган вақтда муаллим берган вазифани бажариб, расмини телеграмдан юборсак бўлди. Текширмасдан ишонади. Синфимиздаги аълочи киз вазифани бажаради, қолганларимиз уни кўчириб муаллимга юборамиз. Вазифани бир хил бажарганимиз билан ҳаммамизга ҳар хил баҳо қўйилади. Менинг доимий баҳом «4». Дарс қилсам-қилмасам шу бахони оламан.

– Онлайн ўқиш учун шароитинг борми? Масалан, дафтар, китоб, ручкадан ташқари сенда ноутбук ё планшет, узлуксиз интернет бўлиши керак.

– Айтган жойингизга қелдик. Ҳақимни беринг, кетаман.

– Майли. Ҳақингни айтганиндан кўпроқ бераман. Лекин саволимга жавоб бермадинг-ку. Анъанавий ўқишнинг ўзгача гаши бор. Ҳозир сенинг асосий вазифанг ишлаш эмас, ўқиш, шунга биласанми?!

– Биламан. Аммо ўқишим учун яхши ўқитадиган муаллим йўқ. Карантин сабабли телевидение орқали онлайн дарс ўтилди. У дарсларнинг ҳар бирини диққат билан кўриб, ўзлаштириб олдим. Яхши ўқиганимга қарамай яқунда муаллимимиз паст баҳо қўйди. Сентябрь ойида мактабга чиқдик. Бундан жуда хурсанд бўлдик. Дарсга боришимиз билан

муаллимимизнинг «Онлайн ўқинглар, мактабга келганларингнинг фойдаси йўқ. Уйда ота-оналарингнинг ёнида мавзуларни ўрганиб, вазифаларни бажарсаларинг ҳам баҳо қўйиб берамиз» деган гаплари бизни мактабга бориш фикридан қайтаролмади. Синфимиз билан бир ой мактабга қатнадик. Бирор фойдаси бўлмади. Дарслар ўлда-жўлда ўтиларди. Муаллимимиз мавзунини тушунтиришдан кўра уни китобдан кўчиртиришни маъқул кўради. Биз мавзунини кўчираётганимизда эса ўзи телефонида сериал кўради. Бора-бора биз ҳам дарс вақтида сериал кўришга ўрганиб қолдик. Ҳозир синфимиздаги 9 та бола бозорда арава тортади. 7 таси автомайоқда машина ювади. Тўғриси, дарсга бориб сериал кўргандан бозорда арава тортиб пул топганим яхши. Планшетим ҳам, ноутбугим ҳам йўқ. Арава тортиб топган пулимга сотиб оламан. Ортганига эса китоб-дафтар, ручка оламан. Ўқишга келадиган бўлсак, муаллимларимнинг дарс ўтиши мени қониқтирмайди. Керак бўлганда мавзуларни китобдан ўқи оламан...

Ўша кунни тушгача қўлим ишга бормади. Наҳотки, мактаб ўқувчисига ўқишдан кўра пул топиш муҳим бўлса?! Наҳотки, ўқитувчиларимиз дарс вақтида сериал кўришга одатланган бўлса?! Тўғриси, саволларимга кимдан жавоб сўрашни билмай роса ўйладим. Охири мактаблар томон йўл олдим.

Шаҳар марказидаги ҳашаматли бино. Танаффус бўлган, шекилли, мактаб ҳовлиси гавжум. Мени кўриб беш-олти ўқувчи бўйнида осиглик турган никобини тақиб олди. Дарс бошланганидан сўнг ўқувчилар қатори мактаб биносига кирдим. Ташқи кўринишидан замонавий кнёфа қасб этган маскандаги ички ҳолат таъбимни хира қилди. Бу ер тозаланма-

ганига кун эмас, ҳафта бўлган-ов.

– Мактабимизда ишчи кучи етишмайди, – дейди мактаб директори. – Бу ёғи карантин бўлса. Ишчиларимиз ҳам навбатма-навбат ишлаяпти. Ростки, икки йил олдин таъмирланиши керак бўлган мактабимизда шароит оғир. Бир амаллаб ишлаяпмиз. Шундай шароит бўлишига қарамай интернет тармоғи узлуксиз ишлайди. Ўқитувчиларимиз ҳам анъанавий, ҳам онлайн дарсларни ўз вақтида ўтишяпти. Нокамтарликка йўймангу, бу йил етти ўқувчимиз шартнома асосида талаба бўлди. Уларнинг орасида хорижда ўқийдиганлари ҳам бор. Юринг, синфларга кириб чиқамиз. Қаранг, фақатгина ташқариси таъмирланган бўлишига қарамай, мактабимизда ҳар бир ўқитувчи астойдил меҳнат қилмоқда. Мана бу – кўрғазмали ўқув куроллари, ўқувчиларимизнинг фанга қизиқишини оширишга хизмат қилади. Бу хонада 7-синфлар ташхил олади. Ўқитувчиси моҳир педагог. Информатикани шунчалик зўр ўтадики, ҳеч бир ўқувчи дарс қолдиришни ўзига эп кўрмайди, – дея хона эшигини очган директор мулзам бўлиб қолди. Сабаби бир синф ўқувчи дарс вақтида компьютер орқали «Эзел» сериалини кўриш билан банд эди. Бизни кўрган ўқитувчи ўтказишга жой, айтишга сўз тополмади. Навбатдаги хонада эса 15 ўқувчи ўзларича нималарнидир муҳокама қилишарди. Ўқувчиларнинг айтишига қараганда, ўқитувчиси жавоб олиш мақсадида директорнинг хонасига чиқиб кетганмиш. Оптимиздан югургилаб келган информатика ўқитувчиси ўзини оқлаган бўлди:

– Ўзи аслида дарсларимиз сиз кўргандек бўлмайди. Ўқувчилар назарий эмас, дарс ўтишимни сўрашганди. Мактабимиз интернет тармоғига улангани

сабабли телевизион дарсларни кўрмоқчи эдик. Ўқувчиларнинг илтимоси билан амалий дарс ўтаётгандим. Сиз нотўғри тушунманг...

Қутилмаганда менинг ёнимда мулзам бўлиб қолган директор ўқитувчи билан роса тортишди. Уларнинг даҳанаки жанги ҳақиқатан ҳам сериал қаҳрамонларини эслатади. Хуллас, бу ердан саволимга жавоб тополмай, аксинча, янги саволлар билан ортимга қайтдим.

2016 йили давлат дастури асосида қурилган мактаб кишлоққа кўрк бағишлаб турибди. Атрофи ободонлаштирилган. Дил билан экилган гуллар охири марта кийгос очилгандек товланиб турибди. Қуз бўлишига қарамай, мактаб ҳовлисида бир дона ҳам сарғайган барг йўқ. Фаррошларга балли. Уларнинг меҳнати эшикдан кирган кишини қувонтирмай қолмайди.

Синфдаги болалар диққат билан доскада мисол ечаётган муаллимни кузатмоқда. Хонада пашша учса билинадиган даражада тинчлик сақланган. Ўқитувчи мавзунини шу даражада маҳорат билан тушунтирдики, ўзим ҳам ўқувчига айланиб қолдим.

– Ўқувчиларимизда онлайн ўқиш учун шароит йўқлиги сабабли ҳаммаси дарсга келади, – дейди директор опа. – Қишлоқда интернет яхши ишламайди. Бунинг устига ота-оналар фарзандига ўқиш учун барча имкониятни яратиб беришган. Гувоҳи бўлганимиздек, ўқитувчиларимиз карантин талаблари асосида дарс ўтишади. Ўқувчиларимиз ҳам қондаларга амал қилиб мактабга келиб-кетишади.

Мактабда завк билан ўқийётган ўқувчилар кишининг ҳавасини келтиради. Аммо шаҳар мактабларидаги ўқувчилар нега дарсга келмайди? Улар ўқишдан кўра арава тортиб пул топишни маъқул кўраётганининг асли сабаби нимада?

– Тўғриси айтсам, кишлоқдан шаҳарга келин бўлиб келганимга ва шаҳар мактабидаги ўқувчиларга дарс бераётганимга беш йил бўлди, – дейди исминини ёзишимизни истамаган ўқитувчилардан бири. – Қишлоқ мактабидаги ўқувчилар жуда бегубор, илмга чанқоқ бўлади. Шаҳарликлар эса бунинг акси. Китоб ўқишга вақти йўқ. Ҳамма билимни ижтимоий тармоқдан, интернетдан оламан деб ўйлашади. Бу билан ҳамма шаҳарликлар ўқимайди демокчи эмасман. Ўқувчилар орасида ўқийдиган ва ўқимайдиганлари бор. Ўзи хохламаган ўқувчини мажбурлаб бўлмайди.

Дарҳақиқат, ҳар кимнинг ўз фикри, ўз ҳақиқати бор. Аммо билимни кимдир мияга жойлаб қўймаслигини, илм олиш учун сериал томоша қилиш эмас, балки китоб варақлаш зарурлигини ўқитувчиларимизнинг ўзи англаб етса, аини муддао бўларди.

Биз бу мақола билан қайсидир таълим масканининг номини қоралашни мақсад қилмаганмиз. Истагимиз таълим муассасаси масъуллари ва устозларимиз эргамиз эгалари тақдирига бефарқ муносабатда бўлишмасин.

Нигина ШОЕВА,  
журналист

# ҮН МИНГ ҚАДАМ, РАҲБАРЛАРНИНГ ИБРАТИ, КҮНЛИК РАҒБАТ

## ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИДА ЯНА НИМАЛАР АКС ЭТГАН?

**Японияда 2008 йилда қабул қилинган «Метабо» қонуни ҳақида эшитганмисиз? Жуда ажабтовур қонун. Унга кўра 40 ёшдан 75 ёшгача бўлган японлар ҳар йили бир марта мажбурий тарзда бел айланасини ўлчатишади. Аёлларнинг бели 80, эркекларники 90 сантиметрдан ошса бу қонунга зид ҳисобланади ва тезда қонунбузарлар профилактик назоратга олиниб, рисоладагидек кўринишга қайтамагунча тинч қўйилмайди. Ходимнинг қорин қўйиб, қомати бузилиб кетишига йўл қўйган компания раҳбарларининг эса, таъбир жоиз бўлса, шўри қуриди – бундай масъулиятсиз иш берувчи жуда катта миқдорда жарима тўлашга мажбур.**

Канчалар баҳтсалаб бўлмасин, бу қонун нафақат аҳоли саломатлиги, балки ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат сифати ошишини таъминлаётганини японлар эътироф этишмоқда. Дунёда энг узоқ умр кўрувчилар ҳам японлар.

### Энг кўп пиёда юрганга 1 миллион сўм мукофот!

Президентимиз 2020 йилнинг 30 октябрда «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони имзолади. Унда инсон саломатлигини сақлаш, узоқ умр кўришни таъминлашга доир қатор янгиликлар акс этган.

Аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб этиш мақсадида «Соғлом турмуш тарзи» (www.1hls.uz) платформасининг яратилиши – ана шулардан бири. Жисмоний ҳаракат ва юришни тарғиб қилишга қаратилган мазкур платформа доирасида бир сутка давомида 10 минг ва ундан ортиқ қадам юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги фуқаронинг электрон ҳамёнига 3 минг сўмдан ўтказиб берилади. Бу ҳали ҳаммаси эмас – ҳар ойда бир марта туман ва шаҳар бўйича энг кўп юрган шахс 500 минг сўм, республика бўйича энг кўп юрган шахс 1 млн. сўм пул билан рағбатлантирилади.

Бундай рағбат кўпчиликини қизиқтириб қўйгани рост. Ахир ҳам соғлиққа, ҳам чўнтакка фойда бўлса, давлатимизнинг ўзи қўллаб-қувватлаб турса, бундай имкониятни ким бой берарди? Шу боис кўпчиликини ўйлантирган саволларга тўхталамиз: ҳўш, платформа қачон ишга тушади ва ундан фойдаланиш учун рўйхатдан қандай ўтилади?

– «Соғлом турмуш тарзи» платформасини яратишдан аввал чўқур ўрганиш талаб этилди, – дейди **Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг бошқарма бошлиғи Исомиддин Пўлатов**. – 35-50 мутахассисдан иборат жамоамиз билан дунё тажрибасини ўргандик. Шу пайтгача мавжуд бўлган қадамни ҳисоблаш дастурларининг барчаси синаб кўрилди, камчиликлари тўғрилиниб, шароитимизга мос жиҳатлар киритилди. Мақсадимиз – яратилган дастур одамлар учун ҳар жиҳатдан қўлай ва турли нуқсонлардан холи бўлсин, тушунмовчиликларни келтириб чиқармасин.

Мазкур платформага www.1hls.uz сайти орқали рўйхатдан ўтиш мумкин. Бунинг учун фуқаро 18 ёшдан катта бўлиши лозим. Шунингдек, фуқаролардан ID ёки ИНН рақамларини киритиш талаб қилинади. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) маълумотлари асосида рўйхатдан ўтиш тугалланади. Ким қарерга, нима мақсадда юраётганини GPS орқали ку-

затиш ҳам йўлга қўйилади. Чунки соғлом турмуш тарзини тарғиб қилар эканмиз, аввало ҳақиқатан ҳам бир кунда камида 10 минг қадам юришимиз керак.

Платформа ҳали ишга тушмади. Чунки шаффофлик, холислик бўлиши, турли камчиликлар бартараф этилиши учун бироз вақт керак. Бу ишлар 2021 йилнинг 1 мартига қадар якунланиши кўзда тутилмоқда.

### Соғлиқнинг баҳоси қанча?

10 минг қадам юрган кишига бериладиган кунлик 3 минг сўм ким учундир арзимасдай туюлиши мумкин, аммо аҳоли сонига ҳисобланганда бу рақам катта сумага айланади. Масалан, ўртача 100 минг одамга ҳисобланганда кунига 300 миллион, бир ойда 9 миллиард сўм маблағ кетади. Бу оз пул эмас. У аҳоли саломатлиги учун зарарли маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан йиғилади. Қолаверса, давлатимизнинг бу ташаббуси фуқароларнинг саломатлигини мустақамлаш учун имкониятдир. Зеро, йўқотилган соғлиқни дунё хазинаси билан ҳам ортга қайтариб бўлмаслигини барчамиз яхши биламиз.

### Раҳбарлар ибрат кўрсатади

Юртимизда раҳбар деганда кўпчиликнинг кўз олдида қорин қўйган киши гавдаланиши бор гап. Давлат органлари ва ташкилотларида ишловчи ходимларнинг фаолияти ҳам компьютер қаршида кечади ҳамда ташқи кўринишида бунинг оқибати яққол кўзга ташланади. Бундай кишиларга ҳам осон эмас, озиш, саломатлигини мустақамлаш учун спорт залига қатнашга доим ҳам вақт топилавермайди. Фармонда мазкур масала ҳам эътибордан четда қолмаган. Яъни 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотларида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривож-

лантириш мақсадида ҳар бир ходимга «Спорт тарғиботчиси» кўшимча вазифаси юклав ва унинг иш ҳақига 20 фоиз устама белгилаш йўлга қўйилади. Иш вақтидан сўнг ҳафтада камида бир марта раҳбар ва барча ходимлар жисмоний тарбия ва спорт машғулоти (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва б.) билан шуғулланиши таъминланади.

Ҳар шанба кuni соат 14:00 дан сўнг ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида оммавий мусобақалар ташкил этилади. Биринчи раҳбарлар шахсий намуна кўрсатиб ўзларининг антропометрик кўрсаткичларини (семизлигини камайтириш, саломатлигини мустақамлаш) яхшилаш орқали ходимларнинг антропометрик кўрсаткичларини яхшилаш чораларини кўрсатади.

### Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди

Фармон билан танишган киши шунга амин бўладики, соғломлаштириш тадбирларидан ҳеч ким четда қолмайди. Жумладан, ҳар бир туман ва шаҳарда «Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла» тарлови ташкил этилади. Ҳар чоракда бир марта ўтказиладиган танловда асосий эътибор маҳалла аҳлининг доимий равишда жисмоний тарбия машғулотирига жалб этилиши, соғлом турмуш тарзига риоя қилишига қаратилади. Шунингдек, маҳаллада спорт инфратузилмаси борлиги, ўтказилган мусобақалар сони, аҳолининг касаллини даражаси пасайиб бориши ҳам эътиборга олинади. Танловда биринчи ўринни эгаллаган маҳаллага 10 миллион сўм, иккинчи ўрин учун 5 миллион сўм ва учинчи ўринга 3 миллион сўм пул мукофоти берилади.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА,**  
«Нижик»

## СОҒЛОМ ҲАЁТ – БАРҲАЁТ КЕЛАЖАК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида Ҳарбий прокуратура органлари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бунда ҳарбий округлар, алоҳида қўмондонликлар, ҳарбий қисм ва муассасалар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари тимсолида аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узақов ташаббуси билан бу каби тарғибот тадбирларини мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда барча ҳарбий гарнизонларда ташкил этиш кўзда тутилган. Ангрен шаҳридаги ҳарбий қисмда «Барчамиз соғлом турмуш тарзига ўтамиз» шиори остида ўтган оммавий спорт машғулоти бу йўналишдаги



тадбирларнинг дебоси бўлди.

Эрта тонгдан ҳарбий қисм спорт мажмуасида кун тартиби бўйича ўтказиладиган ҳарбий хизматчиларнинг эрталабки спорт машғулотида уларнинг оила аъзолари, шунингдек, Тошкент ҳарбий прокуратураси, Ангрен шаҳар ҳокимлиги ва ички ишлар органлари ходимлари, спорт мактаби мураббийлари ва

ўқувчилари, маҳаллалар раислари ва фаоллари ҳамда ёшлар, аёллар ва ўрта ёшдаги 100 дан ортиқ фуқаро иштирок этди.

Машғулотлар дастлаб чигиёзда машқлар билан бошланди, ҳарбий қисмнинг очик ва ёпиқ спорт иншоотларида иштирокчилар юриш, югуриш, мини-футбол, стритбол, «Workout», стол тенниси ва бошқа ўзлари

қизиққан оммавий спорт турлари билан машғул бўлишди.

Шунингдек, мутахассислар томонидан юқоридаги фармоннинг мазмун-моҳияти, жисмоний тарбия ва спортнинг инсон саломатлиги, ақлий салоҳиятини ривожлантириш ва иш фаолияти унумдорлигида тугатган ўрни, бу борада мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар, шу билан бирга, тўғри овқатланишнинг аҳамияти, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш соғлом ҳаётнинг ажралмас қисми экани ҳақида аниқ мисоллар билан батафсил тушунтиришлар берилди.

Тадбир спорт турлари бўйича мусобақаларга улашиб кетди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқимизда соғ танда соғлом ақл, деган нақл бор. Саломатлиқни сақлашда профилактика, соғлом турмуш тарзига қатъий риоя этиш муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш, соғлом турмуш кенг татбиқ этиш олдимиздаги муҳим вазифалар ва касалликлар профилактикаси

масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бошқарув идоралари иши ҳам айнан шу тариқа йўналтирилмоқда. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини, жумладан тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни қундалик ишга айлантириш қанчалик муҳим эканлигини бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар ва ҳозирги пандемия шароити ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Дарҳақиқат, миллатимиз генфондини сақлашда соғлом турмуш тарзининг ўрни ва бунда тарғибот тадбирларининг аҳамияти бирламчи омил ҳисобланади.

Шу муносабат билан, Куроли Кучлар қўшинлари қўмондонликлари ва мутасадди вазирликлар ҳамкорлигида ўтказилган юқоридаги каби саломатлик тадбирларининг тизимли равишда оммавий ва уюшқоқлик билан ташкил этилиши аҳолининг соғлом турмуш тарзига қизиқишини янада оширмоқда.

**Сарвар МУХИТДИНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари

Самарқанд вилояти ҳокими раҳбарларга ишга 10 кун пиёда келиб-кетишни таклиф қилди.



## FAOLIYATIDAN

# ХУСУСИЙ СЕКТОРДАГИ ФИРИБГАРЛИК

Нафс қулига айланган айрим фуқароларнинг йўқ жойдан жиноятга қўл уриб, бир нимали бўлиб қолишга уринаётгани ачинарли ҳол.

Департаментнинг Хива шаҳар бўлими ўтказган тадбирда Қўшқўлир туманида яшовчи фуқаро А.Н. Хива шаҳри «Маъмун номидagi жаҳон тиллар» нодавлат таълим муассасасини ташкил қилиб, одамларни алдаб, ноқонуний даромад орттириб келаётгани фош этилди.

Ушбу муассасада олий таълим йўналиши бўйича ўқитишга рухсат берувчи лицензия бўлмаса-да, муассаса директори А.Н. Хива шаҳрида яшовчи фуқарога инглиз, немис ва рус филологияси мутахассислиги бўйича олий маълумотли кадрларни тайёрлаб, бакалавр дипломи бериш имкониятига эгаллигини айтади. Ўқув жараёнларининг 1-се-

местри якунланган бўлишига қарамадан, 2-семестрдан ўқиш бошлашига ёрдам беришни ваъда қилиб, эвазига 1850 АҚШ доллари талаб қилади. Муассаса раҳбари талаб қилинган пулдан 1000 долларини фирибгарлик йўли билан олган вақтида департамент ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланган.

Шунингдек, терговга қадар текширув давомида муассаса директорининг 2019 йил октябрь ойида давлат хизматлари ягона порталига берилган олий таълим йўналишига лицензия олиш ҳақидаги аризаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан кўриб чиқилиб,

2019 йилнинг декабрь ойида лицензия бериш рад қилингани аниқланди. Шунга қарамадан директорининг хизмат хонасида 52 киши билан олий таълим йўналишидаги инглиз тили, немис тили ва рус тили мутахассислиги бўйича 2500 АҚШ доллари-дан тузилган шартномалар борлиги, ушбу шартномаларга асосан 18 кишидан 128 млн. сўм ва 1 кишидан 500 доллар пул олингани маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан А.Н.га нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, суд ҳукми билан айбли деб топилди ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Баҳром КУЧКАРОВ,**  
департаментнинг Хива шаҳар бўлими бошлиғи

## «УЛУШИ»НИ ОЛГАН РАИС

**Икки ака-ука оилалари билан битта ҳовлида туради. Кекса отасининг нафаси қисади, онаси саратон касаллигига чалинган. М.Э.нинг укаси 2019 йил сентябрь ойида қиз фарзанд кўради. Оиладаги етишмовчиликлар туфайли боласи икки ёшга тўлгунча нафақа тайинлангани учун бир неча марта маҳалла идорасига бориб, раис билан учраша олмайди.**

Жорий йил август ойида акаси М.Э. маҳалла раисининг уйига боради. Укасининг икки ёшга тўлмаган фарзандига нафақа тайинланишини сўрайди.

– Бир ойлик нафақа пули тўрт юз тўқсон уч минг сўм. Менга тўрт юз саксон минг сўм берсангиз, жиянингизга нафақа тайинланади, – дейди тап тортмасдан раис.

– Бунча пулим йўқ.  
– Ха, майли, тўрт юз эллик минг берсангиз бўлди.

Орадан тўрт кун ўтиб М.Э. раисга ҳужжатларни келтириб беради. Раис шартини тақорлайди. «Тўрт юз эллик минг берсангиз

нафақа чиқади, акс ҳолда чиқмайди...».

Фуқаро М.Э.нинг мурожаати асосида ўтказилган тадбирда 2019 йилнинг август ойидан Ёзёвон тумани Тақалик маҳалласининг раиси лавозимида ишлаб келган Р.М. уйда пора олган чоғида ушланди. Камбағал оилаларга икки ёшгача бола парвариши учун тайинланадиган нафақадан «улуши»ни талаб қилиб олган раис суд ҳукми билан уч йилга озодликдан маҳрум этилди.

**Акmalжон МАХАМАДОВ,**  
департаментнинг Ёзёвон тумани бўлими бошлиғи

## ЭЛЕКТРНИ УЗМАСЛИК УЧУН...

**Электр энергиясидан қарзи борлиги туфайли «ОХ» хусусий корхонаси электр таъминотидан узиб қўйиладиган бўлди.**



Корхона раҳбари Қарши шаҳар электр таъминоти корхонаси бош муҳандиси Ш.Х. билан учрашиб, унга вазиятни тушунтирмакчи бўлди. Бироқ бош муҳандис электр таъминотини тўхтатмаслик эвазига 600 минг сўм талаб қилди.

Бу талабдан жажли чиққан фуқаро шу заҳоти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ариза билан мурожаат қилди. Ўтказилган тадбирда бош муҳандис 600 минг сўмни олаётган вақтида ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши очилиб, тергов ўтказилмоқда.

**Асқар БОЙКУЛОВ,**  
департаментнинг Қашқадар вилояти бошқармаси катта инспектори



JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

## ҒИРРОМЛИК КЕТМАЙДИ

Қурувчилик – улуғ касб. Йўл, кўприк, мактаб, шифохона қуришнинг савоби катта. Бироқ бу ишга ғирром аралашса, барака қочади. Ғирром қилганнинг эса алаалоқибат юзи шувут бўлиши тайин...

Кенжа Ҳамдамов 2020 йил бошидан Топкент вилояти Янгийўл туманида жойлашган, гишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бунёдкор Нуробод» масъулияти чекланган жамияти раҳбари бўлиб ишлайди. Бунгача Қуйичирчиқ туманидаги «Nutilus» масъулияти чекланган жамиятини бошқарганди.

Жамиятнинг аввалги раҳбари Х.Пошшаев ташаббуси билан Қуйичирчиқ тумани ҳокимининг Чақмоқ маҳалласида эски мактаб биноси ўрнига 120 ўринли, икки қаватли бодалар боғчасини қуришга рухсат бериш тўғрисидаги қарори чиқарилган эди.

Х.Пошшаев бу жойда боғча қурилишининг смета ҳужжатларини тайёрлатди. 2019 йил октябрь ойида «Nutilus»га Кенжа Ҳамдамов раҳбар бўлди. Шундан сўнг у Х.Пошшаев билан боғча қуриш учун ажратилган эски мактабни бориб кўриб келди. Атрофи темир тунука билан ўраб қўйилган бўлса-да, лекин хали қурилиш бошланмаган эди.

Х.Пошшаев смета ҳужжатларини Кенжа Ҳамдамовга бериб, бинони қуриш учун қурилиш ташкилоти топишини айтди.

2019 йил ноябрь ойи бошларида К.Ҳамдамов танишлари орқали қурилиш билан шугулланувчи Шерзод Абдурахмоновни топди. Қаршилик бу қурувчи ундан смета ҳужжатларини ўрганиб чиқиш учун олиб кетди. Ҳужжатларни таниш мутахассисларга кўрсатиб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, Кенжа Ҳамдамов билан учрашди.

Шерзод Абдурахмонов сметада кўрсатилган боғча қурилишини олишини айтди.

– Ҳўш, унда гап бундай, – деди Кенжа Ҳамдамов салмоқлаб. – Сизга бу қурилишни олиб бераман. Шартнома қиламиз. Унга асосан боғча қурилишини бошлагач, банкдан ажратилган кредит сизнинг фирмангиз ҳисобрақамига ўтга. Лекин бунгача смета учун қилинган харажатларни бизга тўлаб берасиз. Жами 8000 доллар бўлади... Шу тарика у Шерзоддан 7500 АҚШ доллари ва 5 миллион сўм пул олди. Лекин...

Кенжа Ҳамдамов қурилишни бошлаш учун ҳужжатларни тайёрлаб бера олмади. Шерзоддан олган пулни эса эҳтиёжига сарфлаб юборганди...


Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида Кенжа Ҳамдамовнинг жиноят иши кўрилди. Қайд этилишича, К.Ҳамдамов 1974 йилда туғилган. Маълумоти олий. Оилали, уч фарзанди бор. Илгари судланган.

Суд ҳукми билан Кенжа Ҳамдамовга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди. Жабранланувчига етказилган зарар тўлиқ қоплангани кайд этилди.

Қаҳрамонимиз ҳамон қурилиш соҳасида меҳнат қиляпти. Энди у ғирромлиқнинг оқибатини англаб олган бўлса ажабмас...

**Муҳаммадрасул КАРИМОВ,**  
Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси





## АЛИМЕНТ ФАРЗАНД ТАЪМИНОТИ УЧУН МУҲИМ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида оила жамиятининг асосий бўлини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги, 64-моддада эса ота-оналар фарзандларини вояга еттунига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурлиги белгилаб қўйилган.**

Афсуски, айрим кимсалар ушбу мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаётган ҳолатлар учраб турибди.

Чунончи, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2014 йил 13 июндаги қарорида Қ.Абдуллажоновдан Муштарий Раҳимовага икки фарзанднинг таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. М.Раҳимова бу ҳужжатни МИБ Фарғона шаҳар бўлимига 2020 йил 21 сентябрда топширган ва ижро иши кўзга тилинган. Қ.Абдуллажоновнинг 1 октябрда бўлган қарзи суд ҳужжати асосида қайта ҳисоб-китоб қилинганда 40 млн. 654 минг сўмга етгани аниқланган. Бу ҳақда унга маълум қилинганда 2016 йилда суд қарорини олганини, лекин алиментни умуман тўламаганини айтган.

Мазкур ҳолатда ундирув қаратилиши мумкин бўлган пул ва мулкларини аниқланмагани ҳамда қарздор ўз ичтири билан алимент тўламагани сабабли МЖТКнинг тегишли моддасига асосан тўпланган ҳужжатлар судга юборилиб, Фарғона шаҳар маъмурий судининг 30 октябрдаги қарори билан Қ.Абдуллажоновга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Айрим фуқаролар эса, боши деворга теккандагина алиментни тўлашга мажбур бўлмоқда.

Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2016 йил 7 декабрдаги ижро ҳужжати асосан Ў.Жўраевдан М.Жўраевага икки фарзанднинг таъминоти учун ойлик даромадининг учдан бир қисми миқдориди алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати мавжуд.

Ў.Жўраев ўз фарзандларига охириги марта 2017 йил июль ойида алимент пули берган. Бюронинг шаҳар бўлими кидирув гуруҳи ходимларида унинг уйига тез-тез келиб туриши ҳақида маълумот бўлса-да, уни ушлаш имконияти бўлмаган.

Орадан 34 ой ўтган, Ў.Жўраев Россияга кетиш учун ҳужжатларини расмийлаштираётган вақтида Ўзбекистондан чиқиш ҳуқуқи чекланганини билгач, бюронинг Қўқон шаҳар бўлимига 22 млн. 610 минг сўм алимент пулини келтириб давлат ижросига топширди. Пуллар эгасига етказилди.

**Давлат РАЖАБОВ,**  
Бош прокуратура хузуридаги  
МИБ бўлим бош инспектори

## ҚАРЗДОР ОТАЛАР ҚАМАЛДИ

**Сўнги вақтларда оилавий ажримларнинг кўпайиши алимент билан боғлиқ мунозаралар сонини ҳам оширган.**

Масалан, 1979 йили Навбахор туманида тутилган Аброр Саидов ҳам оиласи билан ажрашган. Ундан фуқаролик ишлари бўйича Навбахор туманлараро судининг 2016 йил 4 октябрдаги буйруғига асосан Мунира Файзиевага икки фарзанднинг моддий таъминоти учун улар 18 ёшга тўлгунга қадар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг учдан бир қисми миқдориди алимент ундириш белгиланган. Бирок Аброр Саидов орада 10 ой учун 6 млн. 675 минг 320 сўм алимент пулини ўз вақтида тўламаган.

Навбахор тумани маъмурий судида ўтган очик мажлисда Аброр чиндан ҳам алиментни тўламай келгани, ҳозир ҳам шароити оғирлиги сабабли бу пулни тўлай олмаслигини маълум қилди.

Суд ҳуқуқбузар А.Саидовга нисбатан маъмурий қамоқ жазосини тайинлади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, 2020 йил давомида маъмурий судлар томонидан вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлагани учун 16 нафар шахсга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

**Назиржон ҒАФФОРОВ,**  
МИБ Навбахор тумани бўлими бошлиғи

## ОИЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛМОҚДА

**Мажбурий ижро бюроси Наманган тумани бўлими ходимлари вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, алиментларни ўз вақтида ундириб бериш, қолаверса, оилаларни яраштиришга ҳаракат қилмоқда.**

Хусусан, 2020 йилнинг ўтган даврида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 100 дан ортиқ оилага қувонч улашилди. Яъни, турли сабаблар билан ажрашиб кетган оилаларни тиклашга эришилди.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг буйруғига асосан К.Аббосхоновдан Н.Усмоновага икки фарзанднинг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Мазкур ижро ҳужжати юзасидан ҳар икки томонга оиланинг мукаддаслиги, фарзандларнинг ота меҳрига зор бўлиши уларнинг келгуси ҳаётига салбий таъсир килиши тушунтирилгач, 12 октябрь куни ота-она ярашиб, ижро ҳужжати тамомланди.

**Улуғбек АБДУРАХМОНОВ,**  
МИБ Наманган тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Жорий йилнинг 10 ноябридан бошлаб АИ-95 ёқилғисининг нархи 6600 сўмдан 6300 сўмга арзонлаштирилди.**

## ИККИ МИЛЛИАРДЛИК МУКОФОТ

**Ихтиро – халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида, ижтимоий-маданий қурилиш ва муҳофаа соҳаларида ижобий самара берадиган, ўзига хос техник ва илмий ечимга эга бўлган янгилик ҳисобланиб, ихтиро муаллифи махсус ҳуқуқлар, имтиёзлар билан қонун воситасида таъмин этилиши мумкин.**

Ғаллаорол тумани магистрал газ қувурлари бошқармасининг бир неча ходимлари томонидан ихтиролар амалга оширилган, бироқ уларнинг мукофот пуллари берилмаган. Бунинг натижасида мазкур масала суд томонидан кўриб чиқилган ҳамда ижросини таъминлаш Бюро органига йўналтирилган.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Ғаллаорол туманлараро судининг 2020 йил 31 августдаги ижро ҳужжати асосан туман магистрал газ қувурлари бошқармасидан У.Исроиловга 11 млн. 908 минг 781 сўм, М.Ахмедовга 625 млн. 562 минг 440 сўм, З.Саъдуллаевга 556 млн. 673 минг 530 сўм, С.Ҳотамовга 61 млн. 947 минг 654 сўм, Э.Ахадовга 66 млн. 235 минг 730 сўм, М.Сайдазимовга 625 млн. 562 минг 440 сўм мукофот пули

ҳамда давлатга 33 млн. 744 минг 559 сўм бож ундириш белгиланган.

Мажбурий ижро бюросининг Ғаллаорол тумани бўлими қарздорнинг мулкларини аниқлаш мақсадида ваколатли ташкилотларга сўров юбориб, банкдаги барча ҳисобрақамларига банд солган ва инкассо топшириғи берган.

Олиб берилган ижро ҳаракатлари натижасида ижро ҳужжатида кўрсатилган сумма бюронинг Ғаллаорол тумани бўлими депозит ҳисобрақамига тўлиқ ундирилиб, фуқароларнинг пластик карталарига, давлат божининг эса тегишли ҳисобрақамга ўтказиб берилиши таъминланди.

**Алишер ТҲҲИЧЕВ,**  
МИБ Ғаллаорол тумани бўлими бошлиғи

## ПАЙСАЛГА СОЛИНГАН ТЎЛОВ

**МИБ Қўқон шаҳар бўлимида "Ўзбекгеофизика" АЖдан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси фойдасига 525 млн. сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати мавжуд эди.**

Бўлим томонидан ижро иши кўзга тилиб, қарорнинг бир нусхаси АЖ мансабдорларига топширилган ва қарзни тўлаш учун ўн кунлик муддат берилган.

Гарчанд жамиятнинг банк ҳисобрақамларида қарздорликни қоплаш учун керагидан ортиқ маблағ бўлса-да, АЖ мансабдор шахслари тўловини пайсалга солиб келишган. Ихтиёрий муддат ўтганидан сўнг давлат ижросини томонидан жамиятнинг банк ҳисобрақамларига инкассо топшириқномаси қўйилиб, давлат бож ва почта харажатлари қўшиб ҳисобланганида, жами 530 млн. 280 млн. сўм маблағ мажбурий тарзда ундириб олинди.

Мажбурий ижро ҳаракатлари амалга оширилгани сабабли қарздордан қўшимча равишда 10 млн. 506 минг сўм ижро йиғими ундирилди. Агар "Ўзбекгеофизика" АЖ мансабдорлари эътиборлироқ бўлганларида ортиқча харажатларга ўрин қолмасди.

**Ҳамидулло ТУРГУНБАЕВ,**  
МИБ Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

## СОЛИҚ ҚАРЗИ УНДИРИЛДИ

**Мажбурий ижро бюросининг Андижон вилояти бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари қонунда белгиланган тартибда солиқ қарзларини ундиримоқда.**

Масалан, Мажбурий ижро бюроси Марҳамат тумани бўлими 2020 йилнинг сентябрь ойида 835 млн. 654 минг 100 сўм солиқ қарзини ундирди. Хусусан, туман солиқ инспекциясининг қарорларига асосан «Андижон нефтьгазқудуктаъмирлаш» МЧЖдан жами 743 млн. 184 минг 200 сўм ундирилиши белгиланган эди.

Мазкур ижро ҳужжатлари бўйича қарздорга тегишли «Ласетти» автомашинаси хатланган ва вақтинча сақлаш учун жарима майдонига қўйилган.

Тушунтиришлар самара бериб «Андижон нефтьгазқудуктаъмирлаш» МЧЖ 28 сентябрь куни қарзини тўлиқ тўлади. Ҳозир бюронинг худудий бўлимлари солиқ қарзларини ундиришда давом этмоқда.

**Бобур АСКАРОВ,**  
МИБ Марҳамат тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

## МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ

**Фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судининг 2020 йил 13 августдаги «Ўзпартаминот» акциядорлик жамиятидан 34 нафар ходимнинг 207 млн. 136 минг сўмлик иш ҳақини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бюронинг Қоровулбозор тумани бўлимига келиб тушган.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Қолаверса, Меҳнат кодексиди иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни ушбу кодексда кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги, меҳнатта

ҳақ тўлаш муддати жамоа шартномаси ёки бошқа норматив ҳужжатда белгиланиши ва қанда ҳам ярим ойда бир марта тўланиши лозимлиги кўрсатилган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида 34 нафар ходимга 207 млн. 136 минг сўм иш ҳақи ундириб берилди ва уларнинг меҳнат ҳуқуқи тикланди.

**Оқил ҒАФУРОВ,**  
МИБ Қоровулбозор тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

# КЕЛИШМОВЧИЛИК ОҚИБАТИ



Дилшод (исмлар ўзгартирилган) таксичилик қилади, тумандан шаҳарга одам ташийди. Бир куни бекатда ҳаммаслари билан одам йиғаетганди. Шу пайт йўловчи сифатида келган Зафар билан тортишиб қолди. Жанжалга Жўрабек аралашди, келиб Зафарнинг елкасидан тортиди. Зафар уни бир мушт уриб ерга йиқитди. Шу ердаги Дилшоднинг шериклари келиб уларни ажратиб қўйишди. Шундан сўнг Зафар бошқа таксига ўтириб шаҳарга кетди.

Ўша кунги тортишув кейинроқ телефонда давом этди, сўқиниб бир-бирини ҳақорат қилишди. Эртаси куни Самаркандда гаплашиб оладиган бўлишди. Соат 11:00 ларда Зафар шаҳарга келди. Келишилган жойда Дилшод кўринмагач, кўнгирик қилди.

– Ҳозир бораман, йўлдаман, – деди Дилшод.

Орадан 20 дақиқалар ўтиб, Дилшод таниши Солиннинг машинасида тўрт шериги билан келди. Жўрабек келибок бир мушт тушириб, Зафардан кечаги аламини олди. Дилшод эгнидаги кийимини ечиб, энди муштлашишга чоғланаётганда, профилактика инспектори келиб, уларни идорага олиб кетди. Йигитлар жанжаллашмасли-

гини айтиб, у ердан чиқишди. Инспектор Зафарни туманга кетаётган бир «Дамас»га миндириб юборди.

Орани очиб килиб олишга тайёрланиб келган йигитлар «Дамас»нинг изидан кетишди. Етиб олиб йўлини тўсишди. Зафар аввалига эшикни очмай ўтираверди. Йигитлар хайдовчи томонга ўтган пайт машинадан

тушиб қочди. Бир неча кадам ташламасдан қувлаётганлар уни оёғига тешиб йиқитди ва бир-икки мушт уриб, ўзларининг машинасига миндириб олиб кетишди.

Ўзларини ҳақ билган бу йигитлар йўл-йўлакай дўкондан скотч олишди. Машинани овлоқроқ далага ҳайдашди. Кейин йигитларга таниш бўлган Моҳира ҳам машинасида шу ерга келди.

– Ҳа, «герой», гапларингта жавоб бероласанми энди, сўқинаётгандинг-ку кеча? – деди Дилшод.

– Ака, жажлим чиққанда оғзимдан чиқиб кетди-да, – деб кечирим сўради телефонда сўқингани учун.

Лекин йигитлар унинг узрини эшитиб қўйиб юбормоқчи эмасди. Соли машинага бориб темир қозик олиб келди.

– Ҳозир буни қозикка ўтказамиз, – деди.

– Агар қозикка ўтказсанглар, мен ўзимни осаман, – деди кўрқиб қолган Зафар.

– Қозикка ўтказсанглар, бу ўзини бир бало килиб қўйини аник. Бунга аёллар қўйлагини кийдириб, видеога оламин, – деди Моҳира.

Қизнинг гапи уларга маъкул тушди. Зафарнинг қарши-

лигига, ялинишига қарамай пастликка олиб тушишди. Икки киши қўлидан ушлаб турди, биттаси оғзини скотчлади. Моҳира машинасидан аёллар қўйлагини олиб келиб, жажбурлаб кийдирди ва бу жараёни расмга, видеога олди.

Қўллари бўшаган Зафар қўйлакни ечиб олди, Дилшоддан бу расм ва видеоларни ўчириб ташлашни илтимос қилди. Зафарнинг гапларига ҳеч бири қулоқ солмади. Кетаётиб унга «Агар бирор жойга ёзадиган бўлсанг, видеони инстаграмда тарқатиб юборамиз» деб кўрқитишди. Зўравонлар Зафарни бозор олдидаги бекатта тушириб кетишди.

Шундан сўнг Зафар ИИБга мурожаат қилди. Суд қўлми билан Дилшод 5 йилга озодликдан маҳрум этилди. Унинг шериклари ҳам жазодан бенасиб қолишмади.

Судланган йигитларнинг икки нафари оилали, қолганлари ҳали уйланмаган. Уларнинг қалбини бунчалик қахр, чиркин ўйлар эгаллагани маънан кашшоқ эканидан даракдир.

**Темур КОДИРОВ,**  
Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

## ЎҒРИГИНА КЕЛИН

Аёлни меҳрибон она, вафоли ёр, севимли сингил сифатида доим эъзозлаймиз. Афсуски, аёллар орасида жиноятга қўл ураётганлари ҳам учраб турибди. Хусусан, чинозлик Рашида Эгамбердиева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шундай кимсалардан бўлиб чиқди.

У 2018 йилда яхши ниятлар билан Раҳимовлар оиласига келин бўлиб тушади. Бошида ҳаммаси яхши эди. Йиллар ўтиб, фарзандлар туғилади, ҳаёт бир маромда кечарди. Мазкур хонадоннинг каттаси Собир ака ёши улғайиб, кўзи яхши кўрмай қолганди. Отаҳон озгина пул жамғарган бўлиб, ҳар ойда келиб турадиган пенсия унинг хазинасини кўпайтириб борарди. Собир ака пулини ўзининг сейфида сақлар, қалит доим ёнида бўларди. Ҳар сафар пулга кўзи тушган Рашида бир энтиқиб кўярди. У нафсига қулоқ тутиб, қайнотасининг жамғармасини қўлга киритишни мақсад қилади. Бунинг учун махсус режа тузади.

Сейфдаги пул 100 мингталик купорада бўлиб, Собир ака ҳар сафар пенсия пулини жойлаган пайтда келин усталик билан пулларни минг сўмликка алмаштириб қўяверади. Кўзи яхши кўрмаган қайнота пулларнинг фақат қатини санарди, купоралар алмашиб қолганини сезмасди ҳам. Бу иш ҳамирдан қил суғургандек осон битар, ҳеч қандай шубҳа уйғотмасди.

Шундай килиб келин қайнотанинг 30 миллион сўм пулини ўмарди. Агар қайнотаси қизига пуллар сенда турсин деб айтмаганида, балки бундан ҳам кўп маблағ ўғирланган бўлармиди...

Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади деганларидек, ўғригина келиннинг ҳам қилмиши фож бўлди.

2020 йилнинг 8 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Чиноз тумани суди томонидан Янгимаҳалла маҳалласида очик суд мажлиси ўтказилиб, Рашида Эгамбердиевага нисбатан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

**Ҳакимжон АЮБОВ,**  
Чиноз тумани прокурорининг ўринбосари



Мактабгача таълим тизими ислоҳ қилиниши, давлат муассасалари қаторида шерикчилик асосида хусусий боғчалар фаолияти йўлга қўйилиши соҳада йиғилиб қолган муаммоларнинг муҳим ечими бўлди. Малакали педагоглар рағбатлантирилмоқда. Болаларни боғчага жойлаштиришдаги сансалорлик бартараф этилмоқда. Янги муассасалар барпо этилапти. Йиллар давомида қаровсиз қолган давлат муассасаларининг бинолари таъмирланапти.

Жумладан, Қўштепа туманидаги 46 ва 16-МТТлар «Обод маҳалла» дастури доирасида таъмирланган. Сентябрь ойида Лойсон маҳалласида яшовчи, касби кори бузилган биноларнинг қурилиш материалларини пуллаб фойда кўришдан иборат Асадулла Ҳамидуллаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 46-боғчалдан чиққан эски темир қувурларни сотиб олиш учун туман Мактабгача таълим бўлими мудири Инобатхонга учрайди. Бунгача олиб кетган бетон плиталарнинг пулини муассаса ҳисобрақамига ўтказмай келгани туфайли мудар билан келиша олмайди. Шериги, илгари етти марта фирибгарлик килиб судланган Бекқул Қорабоев қуюқ ваъдалар

## ФИРИБГАРЛАР

билан Инобатхонни ва боғча мудири Зиёдахонни кўндирди. Эски қувурларни 8 млн. сўмга баҳолашди. Б.Қорабоев ва А.Ҳамидуллаев бир неча кунда ҳисоб-китоб қилишларига ишонтириб, қувурларни олиб кетишди. Кейин «Ҳали сота олганимиз йўқ, сотилса пулини топширамиз» деб ҳисоб-китобни ортга суришди. Ноябрь ойида амалдаги қонун-қондаги хилоф равишда қувур пулини топширмасдан боғчага бир нечта палос келтириб беришди.

Устаси фаранглар 16-МТТ мудири Одинахон билан музокарада иккита эски қозон ва темир қувурларни 15 млн. сўмга сотиб, пулини ўн кунда муассасанинг ҳисобрақамига ўтказишни ваъда қилишди. Алдаб олиб кетган қувур ва қозонларни Наманган вилоятида сотиб, пулини бўлиб олшди.

– Иккита чўян қозон ва 20 метр қувур муассаса балансида эмасди, – дейди судда жабрланувчи Одинахон. – Уларни сотиб, пулига болалар ўйингоҳи қуришни режалаштиргандик. Б.Қорабоев ва А.Ҳамидуллаев келишилган муддатда пулини ҳисобрақамимизга тушириб беришмади. Айни пайтда зарарни тўлик қоплашди.

– Текширувда эски қувурлар пулига палос берилиши мумкин эмаслиги, пул ҳисобрақамига туширилиши лозимлигини айтишди, – дейди жабрланувчи Зиёдахон. – Судланувчилар палосни олиб кетиб, ҳисобрақамимизга 8 млн. сўм пул ўтказишди.

Сўнгги ахлоқ тузатиш ишлари жазосини фермер хўжалигида ўтаётиб такроран фирибгарликка қўл урган, айби тўлиқ иқроғлигидан ташқари далиллар билан тасдиқланган Б.Қорабоев ва унинг шериги А.Ҳамидуллаевга қилмишлари яраша жазо тайинланди.

**Садирали МИРЗОКАРИМОВ,**  
Қўштепа тумани прокурорининг ўринбосари

# ЭЛГА КЎМАК

Барча мақсадлар, саъй-ҳаракатлар эл-юрт манфаатига қаратилсагина халқ фаровон яшайди. Президентимиз 2020 йилнинг июнь ойида Наманган вилоятига ташрифи чоғида ҳам бу борадаги масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари аҳоли турмушини яхшилаш, шароити оғир, эҳтиёжмандларни ўрганиб, «Темир дафтар» юритиш, шу асосда унга киритилган оилаларни камбағалликдан чиқариш чораларини кўриш борада сектор раҳбарлари зиммасидаги долзарб вазифаларни белгилаб берган эди.



Табиики, бу йўналишдаги фаолият иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни қамраб олади.

Косонсой туманининг Қирғизистон билан чегарадош Хонқўрғон маҳалласида яшовчи тадбиркор Ш.Қосимова 200 тонна маҳсулот

сақланадиган музлаткич куриш учун «Туронбанк»нинг Наманган филиалидан 600 млн. сўм кредит ажратилиши ҳамда коммунал тармоқлар тортилишида ёрдам сўраб мурожаат этган эди. Айни пайтда айнан 2-сектор кўмаги билан тадбиркор фаолият бошлади. Тадбирли одамлар кўпчиликлари наф келтиради. Шу маъ-

нода айнан шу тадбиркорга 300 млн. сўм кредит эвазига тикув машиналари олишда кўрсатилган ёрдам туфайли унинг икки қаватли биноси таъмирланди ва 16 нафар аёл иш билан таъминланди.

Шунингдек, 2-сектор худудидаги Ровот маҳалласида яшовчи М.Аҳмаджоновга иссиқхона ташкил этиш учун

30 сотих ер берилган эди. «Туронбанк»нинг Наманган филиалидан олинган 160 млн. сўм кредит ҳисобига айни пайтда ушбу иссиқхонада полиз экинлари етиштирилмоқда.

**Фозилжон ТОИРОВ,**  
Косонсой тумани прокурори

ТАҲЛИЛ

# МАХФИЙ ГУВОҲЛАРНИНГ СЎРОҚ ҚИЛИНИШИ

**Мамлакатимизда халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқарishi учун шароит яратилмоқда.**


Суд ва тергов даврида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, бу жараёнда видеотехника воситаларидан фойдаланиш процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларидан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, жиноят процессида химояланиш ва хавфсизлик ҳуқуқи нафақат айбланувчи, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилган ёки жиноятга тайёргарлик кўрилагани ё содир этилган жиноят тўғрисида тегишли идораларга хабар (ариза) берган, сўроқ пайтида жиноятчиларни фош этган, маълумот тақдим этган шахслар учун ҳам таъминланиши керак.

Дастлабки терговда ва айниқса суд жараёнида таҳаллус билан қатнашаётган шахсларни сўроқ қилиш жиноят-процессуал қонунчилик нуктан назаридан кам ўрганилган. Мазкур йўналишда тадқиқот олиб бериш қонунчиликдаги зиддият ва бўшлиқларни аниқлашга имкон беради, бу эса жиноят-процессуал фаолият субъектларининг ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатини кучайтиради.

Суд ва тергов амалиётида хавфсизлик чораларини таъминлаш мақсадида махфий гувоҳларга таҳаллус бериш тез-тез учраб туради. Бу усул сўроқ қилинаётган, яъни химояланган

шахс ишончли, объектив кўрсатув беришига эришиш мақсадида қўлланади. «Жабранувчи, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ жиноят процесси иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиги ва мулкига таъжовуз хавфи мавжуд бўлганда хавфсизлик чораларини кўриш тўғрисидаги қарор суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суд томонидан қабул қилиниши мустаҳкамлаб қўйилган. Шунини кайд этиш лозимки, фақат



ваколатли давлат органлари жиноят процесси иштирокчиларига оид маълумотларни сир сақлаш бўйича қарор ёки ажрим чиқариши мумкин. Бунда суриштирувчи ва терговчи сўроқ баённомасини тузиш жараёнида шахсга оид маълумотларни сир сақлаши ва бир вақтнинг ўзида таҳаллус бериш ҳуқуқига эга.

Умуман олганда, сўроқ баённомасида жабранувчи ва гувоҳга оид асл маълумотлар кўрсатилмайди. Бироқ айбланувчи берадиган саволлар ҳам жабранувчи ёки гувоҳга оид маълумотларни фош эт-

маслиги лозим. Шунинг учун терговчи сўроқ баённомасини жабранувчи ёки гувоҳ берган қирғатмаларнинг фақат мазмунини сақлаб қоладиган тарзда ёзиши зарур. Сўроқ ва бошқа процессуал ҳаракатларда ҳам таҳаллусли шахсни химоялаш мақсадида у ишлатадиган сўз ва ибораларни ишлатиш жоиз эмас.

Агар жабранувчи ё гувоҳ сўроқ қилингандан кейин уларга таҳдид қилинса, бундай ҳолда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қайта сўроқ

мувофиқ юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахснинг кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда бунинг сабабини аниқлаш учун ўтказилади. Юзлаштиришда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабранувчи ва гувоҳ сўроқ қилиниши мумкин. Таҳаллусдан фойдаланаётган махфий гувоҳни сўроқ қилаётганда психологнинг иштироки ҳам таъминланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қолаверса, агар тергов рус ё инглиз тилида ўтказиладиган бўлса ўртадан фойдаланиш лозим. Бу эса ишда нафақат шахсга оид маълумотларни сир сақлашга, балки шахснинг жинсига тегишли маълумотни химоялашга ҳам имкон беради.

Махфийликнинг бир истисно ҳолати ҳам бор. Жумладан, иқтисодий жиноятларда субъектга оид маълумотларни махфий тутишда махфий гувоҳларнинг кўрсатувлари ташкилотнинг тижорат сирига тааллуқли бўлиши бир қанча қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун бу каби ҳолатларда бошқа химоя усулини танлаш керак. Хусусан, химояланаётган шахсни сўроқ қилишда у унга оид маълумотлар сир тутилиши, хавфсизлик чоралари қўлланаётгани ва унга таҳаллус берилганидан огоҳлантирилиши лозим.

Зеро, таҳаллус жабранувчи ёки гувоҳнинг шахсий маълумотлари махфийлигини сақлаш орқали унинг хавфсизлигини кафолатлаш имконини беради.

**Азизхон ПЎЛАТОВ,**  
ТДЮУ мустақил изланувчиси

# HUQUUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Sodiqjon NAZAROV  
Hayot SHAMUTDINOV  
Utqirjon DEXKANOV  
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85



[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)



[info@huquq.uz](mailto:info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [ ] – tijorat materiali.

Buyurtma v-4009.  
14 717 nusxada bosildi.  
Ong'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terfidi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G. ALIMOV  
Sahifalovchi: S. BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.

Korxonamanzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617





### АРОҚ, АСАБ ВА АЖАЛ...

Инсон бошқа мавжудотларга караганда қанчалик ақли бўлмасин, ичкилик ичгандан кейин ҳайвондан ҳам тубанлашади.

Қадим замонда бир табиб шаробни ихтиро қилиб, подшо хузурига йўл олибди ва:

— Мен шундай ажойиб дори яратдимки, у кўрнинг кўзини очади, шолнинг оёғини тузатади, гадони эса бой қилади, — дебди.

Бу гапдан хайратланган подшо ушбу ихтирони синаб кўрмоқчи бўлибди. Кўр, шол ва гадони хузурига келтиририб, уларга шароб ичиришни буюрибди. Улар кайф қила бошлагандан кейин кўр шароб сузилган пиёлани эҳтиёткорлик билан ушлаб «Бай-бай-бай... Рангинг бунча тоза ва

гўзал-а!» деб шаробни мақтай-верибди. Шунда замбилда икки оёғини кимирлатолмай ётган шол:

— Эй кўр, тезроқ пиёлани бўшат, бўлмаса ҳозир корнингга бир тепиб, кунингни кўрса-таман, — дебди.

Кайфи ошган гадоё эса:

— Эй шол, кўрни тезроқ тепиб ўлдир, унинг хунини ўзим тўлайман, — дебди.

Бу ҳодисани кузатиб турган сарой аҳли бирданига кулиб юборишибди. Шундан кейин подшо табибга шароб тайёрлаш сирини ҳеч кимга айтмасликни буюрибди. Табиб эса ақсинча, бу сирни ҳаммага айтибди. Оқибатда эса...

...Хусайн Бойкаро ўз набираси Мўмин Мирзони ўлимга ҳукм қилганда гирт маст бўлгани тарихдан маълум.

# ЎЧОҚҚА ЎТИН, ҚОЗОНГА ГҮШТ, ДАСТУРХОНГА НОН...

Турмушимизда учраб турадиган жиноят, ҳалокат ва оилавий ажримлар таҳлил қилиб кўрилса, аксарияти ичкилик туфайли юз бергани ойдинлашади. Дарҳақиқат, туппа-тузук одам спиртли ичимлик ичгач, тамомила ўзгаради — кўрқоқ ботирга, камбағал бойга, зиқна сахийга айланади. Энг ёмони, у кимларнидир жиноятга мойил қилиб қўяди. Бундайлар салга сапчиб, ким зўрлигини исботламоққа уринадилар.

Пайгамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) ҳадисларининг учинчи китобида «...маст қилувчи ичимликлар, кимор, бутлар ва куръа ўқлари — булар ҳаммаси нопок бўлиб, шайтон ишларидандур, бас, улардан сакланнгизлар, шояд нажот топсангизлар!» (538-бет) дейлади. Абдулазиз Мансурнинг «Гуноҳи кабиралар» китобида «Гуноҳи кабираларнинг ўн тўртинчиси маст қилувчи ичимликлар ичишдир. Уни оз ёки кўп ичишдан қатъи назар, ичган киши гуноҳи кабира қилган бўлади» дейилган.

### ҚАЛТИС КАДАМ

Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Лекин инсон қандай қилиб жиноятчига айланади? Оила қуришга чоғланган хар кимнинг биринчи орзуси бахтли яшаб, фарзанд кўришидир. Чунки фарзанд оилани мустаҳкамловчи ришта, ҳаёт давомчиси. Бирок ҳамма ота-оналар ҳам фарзанд тарбиясига ўзининг биринчи даражали вази фаси деб қараётти деб бўлмайди. Акс ҳолда 2020 йилнинг тўққиз ойида Қашқадарь вилоятида 1338 оилавий ажралиш кайд этилмаган бўлар эди (бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 208 та кўп). Буниинг

ортидан қанчадан-қанча болалар тирик етим, кўнгли ўқик бўлиб ўсишини, назоратсизлик оқибатида эгри йўллarga кириб кетишини тасаввур қилиб кўринг-а! Демак, оилалар тоғулигини сақлаш ва балоғат бекатида турган ўғил-қизлар билан ишлаш бобида ҳали анча тер тўкишимизга тўғри келади.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

Аслида ичкилик ичиш учун баҳона доим топилади.

«Ҳа, олинг, соғлиқ учун».

«Кўтардик, гам кўрмайлик!».

«Ёшлар бахтли бўлсин».

«Қудачилик — минг йилчилик бўлсин!».

Давраларда айтиладиган бу каби қадах сўзларининг охири йўқ.

Ваҳоланки...

Ҳаммамизга аён: ароқхеч қачон умримизни узайтирмайди, ҳеч қачон саломатлигимизни, дўстлигимизни, қуда-андачилигимизни мустаҳкамламайди, аксинча, уларга путур етказди. Ичкилик қулфат келтиради, асло бахт келтирмайди...

Айни пандемия кунларида сизу бизга шу тарика маслаҳат берувчилар кўпайиб қолгани бор гап: «Юз грамм олиб юборинг. Ҳақиқий антивирус мана

шу...». Шу тарзда ароқ ичишга баҳона ҳаммаша топилади. Лекин улар билган ҳақиқатни яна такрорлаймиз: Спиртли ичимликлар ичкиликбозлар авлодида касалликларнинг ривожланишига, майиб, мажруҳ бекатида турган ўғил-қизлар билан ишлаш бобида ҳали анча тер тўкишимизга тўғри келади. Алкоголизм шахсни инкирозга учратди, ҳаётга кизикиши сусайиши ва пировардида буткул йўқолишига, оила ва жамият олдидаги бурч туйғуси нутилишига сабаб бўлади.

Бинобарин, бу йўлда барча воситалардан: жамоатчилик таъсиридан ҳам, қонун қучидан ҳам фойдаланиб, бу иллатнинг томирини кесмоқ керак. Бу ҳақда Бенжамин Франклин шундай деган эди: «Ичмаслик ўчоққа ўтин, қозонга гўшт, дастурхонга нон, давлатга даромад, ҳаммага пул, танага куч, мияга ақл, оиллага фаровонлик бахш этади».

Ҳа, ичкилик кишини кўнгилсизликлар сари етакловчи иллатдир. Ким ундан йироқ юрса ҳурмат топади, уни ўзига дўст билганлар эса — қулфат. Буни асло унутмаслигимиз керак.

Норбўта ГОЗИЕВ,  
«Нуқуқ»

### НАҲОТ ҲОЛЛАРИДА

## ҒУРУРИМДАН УСТУН ТУЙҒУ

Оналик бахт, неъмат, буюклик деймиз. Уйлашимча, оналик — бу энг катта фидойилик. Она бўлдингми, ўзингни эмас, болангни уйлайсан, уни деб яшайсан. Ҳатто унинг учун ғуруриндан кечаркансан. Ғурур нима бўпти, бор-будинг, бутун борлигингни болангинг бир кулгусига нисор қилишга ҳозирсан. Бугун мен қизим туфайли борлигимни бебаб турган ғуруримдан осонгина воз кечяпман...

— Ҳозир шу эшикдан чиқсанг, кайтиб кирмайсан!

— Менинг эса қадрим йўқ жойда яшашга кўзим учиб тургани йўқ!

Охири гап-сўзимиз шу бўлди, анчадан бери давом этаётган бемаъни жанжалга шу тахлит нуқта қўйдиму эшикни тарақлатиб ёпганча ота уйимга равона бўлдим. Жуда амин эдим, у ортимдан албатта келади, ахир уч яшар кизалоғини бир кун кўрмаса чидолмайди-ку. Аммо

унинг ғурури меникидан ҳам баланд экан. Икки йил ўтди, дараги йўқ. Уйимизда ҳеч ким у ҳақда гапирмас, гўё исми буткул тақиқлангандек эди.

Бир кунни олисда яшайдиган қариндошимизни кизим билан меҳмонга бордик. Оилавий альбом томоша қилаётсак, турмуш ўртоғим билан тушган суратимиз чиқиб қолди. Қизим бу суратни кўришга улгурмасидан саҳифани тезда ўтказиб юбордик. Суратларни кўриб

бўлгач, альбомни бир чеккага суриб, гуруннга берилдик.

Шу пайт кизимнинг хатти-ҳаракати эътиборимни тортди. У биз томонга кўрка-писа қараб, секин альбомни кўлига олди ва варақлай бошлади. Кейин айнан отасининг сурати сақланаётган саҳифани очди. Менинг пайкаб қолишимдан чўчиб, кўзлари тўла соғинч, меҳр билан суратга термулар, назаримда суратга кўпроқ қараб олгиси келарди. Мени азоблагани — бу нигоҳлар беш яшар боланинг нигоҳларига ўшамасди...

Шу пайтгача отаси ҳақида бир оғиз сўрамаган бўлса-да, кизалоғимнинг юраги соғинчдан азобда экани, жажжи қалбида улкан армон ва катта яра борлигини шундагина англаб етдим. Бу яранинг давосини эса мен билан — ғурур от-

лик душманни енгиш! Танламоқ даркор эди: ё ғурурим, ё кизимнинг кўзларидаги бахт. Қанчалар азобли, хоҳиш-истагимга зид бўлмасин, бир қарорга келдим. Ахир, бола юрагига санчилик азоблайдиган бундай ғурур қуриб кетмайдими?!

\*\*\*

...Ҳозир ўша эшик қаршида турибман. Бундан икки йил олдин тарақлатиб ёпиб кетганим, ташлаб кетганим, ғурур билан тарқ этганим ўша остона. Ҳозир эса ғуруримни синдириб, оёқларим билан босиб, бош эгиб турибман. Нариги томондан тобора яқинлашаётган қадам товушлари мени чўчитмоқда: бу қадамлар ҳам ғурур отлик душманни янчиб ўтишга тайёрмикан...

ГУЛҲАЁТ